

УЛУГБЕК МИРЗАҲМЕДОВ

ҮЙНАЙМИЗ  
ВА  
ҚУВНАЙМИЗ



Улугбек Мирзахмедов

БАСТАРДЫ  
ДАЛА САЛАТ

18 – М

ЖАЙСЫЧ ЧАГДАСЫНДЫРЫЛ

ОРАЗДАЛЫК АССАСАЛАРДА - БАСТАРДЫН САЛАТЫ

АССАСАЛАРДА - АССАСАЛАРДА

# ҮЙНАЙМИЗ ВА ҚУВНАЙМИЗ

Мактабгача таълим муассасалари учун сценарий ва  
дидактик үйинлар түплами

АБДОЛДАМЫРЖАНОВ САРЫКЕДА

СИБІР АКАДЕМИЯСЫның

компьютерлескендөрдө «Адабиёт» мектебінде

жүргізілген мәдениеттегі

АДАБИЁТ МЕДИА ФОРМАТЫ

АДАБИЁТ МЕДИА ФОРМАТЫ

АДАБИЁТ МЕДИА ФОРМАТЫ

АДАБИЁТ МЕДИА ФОРМАТЫ

ТОШКЕНТ  
«АДАБИЁТ УЧҚУНЛАРИ»  
2018

УҮК: 657:656

КБК: 65.052

М - 45

**Мирзаҳмедов, Улугбек**

Ўйнаймиз ва қувнаймиз: сценарий ва дидактик ўйинлар тўплами. Улугбек Мирзаҳмедов. – Тошкент: Адабиёт учқунлари. 2018. – 80 бет.

ISBN 978-9943-49-90-8-9

Мазкур қўлланмада мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва мусиқа раҳбарлари байрам эрталиклари ва машғулотларда фойдаланишлари учун тавсия сифатида сценарийлар ҳамда дидактик ўйинлар берилган. Шунингдек, китобдан педагогика институтларининг мактабгача таълим ва мусиқа таълими йўналишлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қўлланманинг афзалик жиҳати – ундаги мавзулар ранг-баранг, сценарий ва дидактик ўйинлар эса боланинг ёш хусусиятларига мослаб ишланган.

УҮК: 657:656

КБК: 65.052

**Тақризчилар:**

**Нилуфар РАЖАМЕТОВА,**

**Низомий номидаги ТДПУ**

**«Мусиқий таълим» кафедраси ўқитувчиси,**

**Халқ таълими аълочиси.**

**Ҳалима САДРИДДИНОВА,**

**Тошкент вилояти Бўstonлиқ туманидаги**

**4-сонли мактабгача таълим муассасаси методисти.**

ISBN 978-9943-49-90-8-9

© Улугбек Мирзаҳмедов. «Ўйнаймиз ва қувнаймиз», «Адабиёт учқунлари», 2018 йил.

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Мактабгача ёшдаги болага сингдирилган билим ва қадриятлар унинг бутун келгусидаги ҳаётини белгилаб беради. Болага ёшлигидан берилган таълим-тарбия унинг хотирасида бир умр сақланиб қолади. Демак, фарзандининг келажаги ҳақида қайғурган ҳар бир ота-она унга берадиган тарбияни бугундан бошлаши керак булади. Мана шу ҳақиқатни чуқур англаб етган ҳолда эртамиз өгаларининг тақдирига бефарқ бўлмаслик керак. Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор эса ҳар бир ота-онанинг зиммасига яна бир бора масъулият юклиди десак, муболаға бўлмайди.

Қўлингиздаги мазкур қўлланма ҳам айни шу ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида дунёга келди. Унда берилган байрам эрталиклари учун мўлжалланган сценарийлар ҳамда дидактик ўйинлар боланинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Қўлланмадаги ҳар бир маълумот таълим дастурларида назарда тутилган бўлиб, ундан тарбиячилар ва мусиқа раҳбарлари, педагогика институтларининг мактабгача таълим ва мусиқа таълими йўналишлари талabalari ҳам фойдаланишлари мумкин. Болалар онгида Ватанга бўлган муҳаббат, катталарга хурмат, кичикларга иззат, она табиатга бўлган меҳр тушунчаларини уйғотишда мазкур қўлланма муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қиласи.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, қўлланмада берилган аксарият материаллар республикадаги бир қанча журнал ва газеталарда чоп этилган. Улар аллақачон ўз ўқувчиларини топиб улгурган.

## **БАЙРАМ ЭРТАЛИКЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН СЦЕНАРИЙЛАР**

### **ОНАЖОНИМ, БОР БҮЛИНГ**

*(Мактабгача таълим муассасаларининг  
кичик гурӯҳ тарбияланувчилари учун)*

*Тарбияланувчилар бир-бирининг қўлидан маҳкам уш-  
лаганча жуфт-жуфт бўлиб мусиқа садолари остида ки-  
риб келадилар.*

**Бошловчи:** Ассалому алайкум азиз меҳмонлар,  
меҳридарё, оқкўнгил онажону бувижонлар, тарбия-  
чи опа-сингиллар ва қувноқ кичкинтойлар. Мана,  
ўлкамизга фасллар келинчаги бўлмиш баҳор ҳам ки-  
риб келди. Шу билан бирга бу фаслда биз Ҳалқаро  
хотин-қизлар кунини ҳам кенг нишонлаймиз. Мана  
шу шодиёна муносабати билан мактабгача таълим  
муассасамизнинг кичкинтойлари оналарни мадҳ  
этиб бир-биридан ажойиб шеърларни ёд олишган.  
Келинг, уларни биргалиқда тинглаймиз.

**Бола:**

Янги кўйлак тиқдилар

Аяжоним байрамга,

Севинчимга сиғмайин

Раҳмат дедим аямга.

**Бола:**

Онажоним,

Меҳрибоним,

Мен гул бўлсам,  
Сиз богбоним.

**Бошловчи:** Баракалла болажонлар, жуда ажо-йиб. Энди эса навбатни сизнинг ижройингиздаги қўшиққа берсак.

(Шу пайт М.Икромова томонидан басталанган «Опажон, қаранг» номли қўшиғи жаранг сочади. Болажонлар қўшиқни куйлаб бўлганиларидан сўнг эшик ортидан шовқин-сурон билан «Зумрад ва Қиммат» эртаги қаҳрамони Қиммат кириб келади. Бошловчи эса болажонларнинг диққатини Қимматга қаратади).

**Бошловчи:** Бу ким бўлди экан-а, болажонлар, мабодо сизлар уни танимайсизларми?

**Болалар:** Қиммат (ҳамма бир овоздан).

**Бошловчи:** Баракалла болажонлар. Қиммат, сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

**Қиммат:** Сенга нима, мен хоҳлаган жойимда юраман.

**Бошловчи:** У ҳолда сен бизнинг байрам тантана-мизга халақит берма, майлими?

**Қиммат:** Шошманг, мен ўзи қаерга келиб қолдим? Нима учун ҳамма болалар чиройли кийинган?

**Бошловчи:** Бугун қандай кун эканлигини билмайсанми?

**Қиммат:** Йўқ, билмайман, агар билганимда сендан сўрармидим? Сен билан ортиқ валақлашиб ўтиришга вақтим йўқ, хайр, мен кетдим...

**Бошловчи:** Ҳой қиз, агар сен бугун қандай кун эканлигини билмасант, у ҳолда болажонларимиз ёрдам беришлари мумкин (икки нафар бола саҳнага чиқиб шеър айтиб беради).

**Бола:**

Саккизинчи март бугун,  
Кувончларим бир жаҳон.  
Байрамингиз муборак,  
Азиз она, онажон.

**Бола:**

Сүзлари бол, дурдона,  
Мөхнатда энг мардона,  
Оlam ичра ягона,  
Сизсиз, эй азиз она!

**Бошловчи:** Энди тушунарли бўлгандир, Қиммат (*тарбиячи гапирган пайтда Киммат орқа томонга қарб нимадир беркитади ва оғзини тўлдириб кавшай бошлиайди*).

**Қиммат:** Ҳа... Топдим, бу – гуллар байрами.

**Бошловчи:** Йўқ, бугун онажонлар байрами. Қаргин, ҳаттоки сен шу байрамни ҳам билмайсан-а. Бундан кўра, болажонларимиздан ўрнак олсанг бўлмайдими. Бугун улар онажону бувижонларини мадҳ этиб шеър ва қўшиқлар айтишмоқда.

**Қиммат:** Тўғриси, мен болажонлардан уяляпман. Ҳеч қачон онажонимга аatab шеър ёд олмаган эканман. Энди эса ҳаракат қиласман, ҳаттоки Зумраддан ҳам ақлли бўлишни истайман. Мени ҳамма яхши кўришини хоҳлайман.

**Бошловчи:** Кўрдингми, ақлли бўлиш қанчалар яхши. Астойдил ўзгаришни истаб, ўз олдингта тўғри мақсад қўйдинг. Кел, у ҳолда болажонлар билан биргаликда ўйин ўйнагин. Шу орқали ўзинг билмаган нарсаларни ўрганасан. Хўш, болажонлар, айтинг-чи, Қимматга ҳам ўйинимизни ўргатамизми?

**Болалар:** Ҳа (ҳамма биргаликда).

**Бошловчи:** Ажойиб. Қиммат, у ҳолда сен қизлар билан биргаликда турли хилдаги гуллардан чиройли гулчамбар ясайсан ва уни онажону бувижонларга тортиқ этасан, келишдикми?

**Қиммат:** Ҳа... Ҳаракат қиласман (*бир оз қўрслик билан сўз қотади*).

(*Бу ўйинда болажонларга тайёр турган гулдастларни саватларга чиройли қилиб жойлаштириш вазифаси*

юклатилади ва шу тариқа ўйин мусиқа садолари остида бир неча маротаба тақрорланади).

**Бошловчи:** Баракалла болажонлар. Қиммат ҳам тезда ўрганиб олди. Қойил қолса арзийди. Энди эса қизларимиз ижросида чиройли рақс томоша қила-миз, марҳамат.

**Қиммат:** Байрам менга жуда ёқяпти. Маҳаллада бундай байрам томошаларга чақирилмасдим.

**Бошловчи:** Сен хафа бўлма, Қиммат. Агар бу ерда ўрганганингни дўсту дугоналарингга ўргатсанг, асло зерикмайсан. Ҳар бир кунинг сермаҳсул бўлади.

**Қиммат:** Албагта шундай қиласман.

(Шундан сўнг «Бойчечагим» номли қўшиққа саккиз нафар қиз рақс тушади).

**Бошловчи:** Жуда ажойиб рақс бўлди. Раҳмат, қизларжон. Айтганча, Қиммат сенга ҳам ёқдими рақс?

**Қиммат:** Ҳа... (ишодланиб кетиб, бошини ҳар томонга сарак-сарак қиласми).

(Шундан сўнг саҳнага мусиқа садолари остида гуллар вакили бўлган Лола, Бинафша, Атиргул турли хилдаги ранг баранг гуллар солинган саватчаларни қўлида тутганча кириб келишиади. Болажонлар эса уларни қарсаклар билан олқишилаб).

**Бошловчи:** Салом, азиз меҳмонлар! Тоғлар ошиб чарчамай етиб келдингизми.

**Болалар:** Ассалому алайкум.

**Лола:** Омонмисиз, менинг жажжи қақажонларим?

**Атиргул:** Азиз қизлару.

**Бинафша:** Онажонлар.

**Лола:** Бугун сизларни байрам билан қутлаш учун.

**Бинафша:** Далалардан.

**Атиргул:** Боғлардан.

**Лола:** Қир-адирлар оша сизларга йўл-йўлакай.

**Бинафша:** Гулларнинг энг сарасини.

**Лола:** Фақатгина онажону бувижонлар ва қизлар учун териб келдик.

**Бошловчи:** Бу гулларнинг чиройлилигини қарант, болажонлар. Ҳа, айтганча, бу гулларда қандай ранглар мужассам, ким айтади?

**Бола:** Қизил.

**Бола:** Оқ.

**Бола:** Қўқ.

**Бола:** Яшил.

**Бошловчи:** Баракалла болажонлар!

**Лола:** Гуллар ҳақида ҳам шеърлар ёд олганмисиз, болажонлар? Агар ким биз ҳақимиизда шеълар айтиб берса, унинг онажону бувижонига совға тақдим этамиз.

**Бошловчи:** Ҳа, шундайми? Менимча, бу шартда болажонларимиз қийналишмайди. Чунки улар машғулотлар жараёнида жуда кўплаб шеърлар ёд олишган. Ҳозир сизга уларни бирма-бир айтиб беришади.

**Бола:**

Йўл четида очилган

Бир жуфт қизғалдоқ.

Шаббодада тебраниб

Чалар қўнғироқ.

**Бола:**

Чаман-чаман очилар,

Баҳор чоги гуллола.

Гулни яхши кўради,

Катта-кичик ҳар бола.

**Бинафша:** Баракалла болажонлар. Мана, энди биз ваъда қилган ажойиб гулларни қабул қилиб олинг.

(Болажонлар гулларни олиб, ўтирган онажону бувижонларига тақдим этадилар).

**Бошловчи:** Лола, атиргул, бинафша учун болажонларимиз қўшиқ куйлаб беришади.

(Шундан сўнг болажонлар «Қўғирчогим» қўшигини

*куйлаб беришади).*

**Лола:** Раҳмат сизларга. Жуда зукко ва ақлли болалар экансиз. Бизлар энди бошқа таълим муассасаларига ҳам боришимиз керак. У ерда ҳам бизни худди сизлар каби кичкитойлар кутиб туришибди. Уларга ҳам совғаларимизни етказсак.

**Атиргул:** Барчангизни яна бир бор.

**Бинафша:** Айём билан қутлаймиз.

**Лола:** Хайр, саломат бўлинг!

*(Шундан сўнг Қиммат гап орасига қўшилади).*

**Қиммат:** Энди мен кетсам... Гулларни Зумрад опам ва ойижонимга тезда олиб бориб берай. Бўлмаса шундай чиройли гуллар сўлиб қолади. Бугунги байрам менга жуда ёқди. Сизларга ўхшаб ақлли бўлишга ҳаракат қиласман.

*(Қиммат ва гуллар мусиқа садолари остида чиқиб кетишади).*

**Бошловчи:** Мана, байрам ҳам ўз ниҳоясига етиб бормоқда. Энди эса навбатни қиз ва ўғил болалар иштироқидаги жуфтлик рақсига берсак.

*(Шундан сўнг болажонлар «Чаманда гул» ўзбек халқ күйига рақс тушади).*

**Бошловчи:**

Она ҳаёт осмонида

Ёрқин қуёш бўлиб чарақлар.

Фарзанд учун керак бўлса у,

Ҳатто чўтни кафтида сақлар.

Борми бу дунёда ундан-да азиз,

Она билан ҳар бир хонадон азиз.

Шунинг билан бугунги байрам эрталигимиз ўз ниҳоясига етди. Барча онажону бувижонларимизни чин қалбдан табриклаймиз. Хайр, саломат бўлинг.

*(Шундан сўнг болалар мусиқа садолари остида залдан чиқиб кетадилар).*

## **ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ**

*(Мактабгача таълим муассасаларининг  
кичик гуруҳ тарбияланувчилари учун)*

**Тарбияланувчилар бир-бирининг қўлидан маҳкам уш-  
лаганча жуфт-жуфт бўлиб мусиқа садолари остида ки-  
риб келадилар.**

**Бошловчи:**

Янги орзу, янги шон,  
Тилаклари бир жаҳон.  
Дунё бўлсин деб омон,  
Бахтга тўлсин деб замон,  
Кириб келган Янги йил,  
Дил тўридан бир олам  
Салом сенга, ассалом!

Ассалому алайкум қадрли болажонлар, байрами-  
миз меҳмонлари. Бугун бизнинг мактабгача таълим  
муассасамизда тантана. Болажонлар тайёрлаб кел-  
ган рақс, шеър ва қўшиқларни тингланг, томоша қи-  
линг ва завқ олинг.

**Бола:**

Ташқарида қиши,  
Ям-яшил арча.  
Дилларда баҳор,  
Қувнайди барча.

**Бола:**

Шаънингга дилдан  
Қўшиқлар куйлаб,

**Арчажон, сенга  
Берамиз үйнаб.**

**Бола:**

**Янги йил сийлаб,  
Келтирған омад.  
Тұрда турибсан,  
Хурматинг баланд.**

**Бошловчи:** Раҳмат. Эңдиги навбатни болажонла-  
римиз ижросидаги ажойиб бир құшиққа берсак.

(Шундан сұңг болалар М.Икрамова томонидан  
басталған «Қувноқ болалар құшиғи»ни тарбиячи  
опалари ёрдамида айлана шаклида тизилиб күйлай-  
дилар).

**Бошловчи:** Раҳмат сизларға болажонлар. Қа-  
ранг, байрам арчамиз нақадар чиройли безатилған.  
Аммо байрам әрталиғимизнинг асосий қатнашчила-  
ри құрінмаяпты. Келинг, у ҳолда уларни қарсаклар  
остида даврага чақырсак.

(Шундан сұңг болажонлар биргаликда қарсак чалиша-  
ди, аммо ҳеч ким келмайди).

**Бошловчи:** Вой, бу нимаси. Нега ҳеч ким келма-  
ди? Ҳа, балки бизни яхши әшитмагандир. Келинг, у  
ҳолда құлларимизга шиқылдоқчаларимизни олган  
ҳолда мусиқа садолари остида шиқыллатамиз.

(Тарбиячи болаларға шиқылдоқтарни тарқатиб чиқа-  
ди. Мусиқа раҳбари күмагида Н.Норхұжаев томонидан  
басталған «Скарсино» күйини фортепиано өзбебида  
чалғанча болаларға жүр бұлади. Шундан сұңг даврага  
югурғиб Тулки кириб келади).

**Тулквой:** Салом, болажонлар! Мабодо мени  
чақырмадингизми? Бу күйни әшитишим биланоқ  
даврангизға шошилдим. Ҳа, айттанча, сизларни Янги  
йил байрами билан қутлайман.

**Бошловчи:** Раҳмат. Йўлда чарчамай, толмай етиб  
келдингми?

**Тулкивой:** Нимасини айтасиз. Йўл узоқ бўлгани учунми бир оз чарчадим. Ўрмондан ўта туриб кўзим қуёнчаларга тушган эди. Аммо уларни ушлаб олишимга қарға халақит берди-да. Эҳ, аттант, чакки бўлди...

**Бошловчи:** Вой, Тулки, ахир бугун байрам бўлса, сен ҳеч кимни хафа қилмайсан деган умиддаман

**Тулкивой:** Йўқ албатта. Мени уялтирунган болажонларнинг олдида (бир оз айёrona қарайди).

**Бошловчи:** Келинг, у ҳолда болажонлар билан «Қуён ва тулки» ўйинини ўйнаймиз.

(Ўйин давомида Қуёнчалар тулкидан қочиб, мусиқа садолари остида тезда арча атрофини айланадилар. Кеийин секингина арча тагига ўтирадилар. Ўйин шу тариқа бир неча маротаба давом этади. Тулки ушлаган Қуёнчаларини арча зарлари билан боғлаб қўяди).

**Бошловчи:** Кўрдингми Тулкивой, болажонларимиз эпчил ва чаққон. Улар ҳар куни боғчада жисмоний тарбия билан шуғулланишади.

**Тулкивой:** Қойил, улар жуда тез чопар экан. Ҳаттотики Қуёнвой ҳам югуришда бу болалардан ортда қолиб кетса керак.

**Бошловчи:** Гапинг тўғри. Улар анча чаққон. Агар хоҳласанг, улар ҳаттотики рақс тушиб ҳам берадилар.

(Шундан сўнг болалар «Қуён» рақсини намойиш қилидилар. Бир оздан сўнг арча ортида болаларга кўринмай турган Айиқполвон хуррак тортади. Унинг овози жуда баланд эшишилади).

**Бошловчи:** Ие, хуррак тортаётган ким бўлди. Байрам куни ким ухляяпти. Қани, бир кўрайлик-чи, у ким экан.

**Болалар:** Бу Айиқполвон (ҳамма бир овоздан).

**Бошловчи:** Балакалла болажонлар, тўғри топдингиз. Келинг, у ҳолда биз Айиқполвонни секингина уйғотишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Агар чўчитиб юборсак, унинг жаҳли чиқади.

**Тулкивой:** Шу ҳам муаммо бўлдими? Уни уйғонинг зўр йўлини биламан.

**Бошловчи:** Майли, у ҳолда сен бизга ёрдам берни, уни қандай уйғотамиз?

**Тулкивой:** Уни фақатгина асал орқали уйғотсак бўлади.

**Бошловчи:** Ахир шу пайтда асални қаердан оламиз?

**Тулкивой:** Қорбобонинг совғаси ичидаги асал оғинни очиб, унинг ҳидини чиқарамиз. Айиқполвон уйғонгач, яна асални ўз жойига солиб қўямиз. Бунинг учун бизга болажонларимиз кўмаклашади.

(Болалар Айиқполвоннинг ёнига келиб асални ҳидлатдиilar ва яна қайтиб ўз жойларига ўтириб оладилар. Шундан сўнг Айиқполвон ўрнидан туриб, мусиқа садомлири остида бошловчининг олдига келади).

**Бошловчи:** Салом Айиқполвон, яхши келдингми?

**Айиқполвон:** Мени уйғотишга ким журъат қилди?

**Бошловчи:** Бугун байрам бўлса, сен эса ухлабчибсан. Ахир совгалардан қуруқ қоласан-ку.

**Айиқполвон:** Ҳа, номақбул иш бўлибди, унда мен байрамингизда қатнашиб, энг сара совғаларга эга бўламан. Қани, менинг ёрдамчиларим ёнимга тезда келинг-чи.

(Шундан сўнг болалар Т.Тошматов томонидан басталанган «Айиқполвонлар боғчаси» қўшигига рақс тушади).

**Бошловчи:** Жуда ажойиб, шундайми, Айиқполвон? Энди навбатни болажонларимизга берсак-да, улар ёд олган шеърларини ифодали қилиб айтиб беришса...

**Айиқполвон:** Бу жуда зўр-ку. Майли, эшитамиз.

**Бола:**

Юлдузлар мисол

Чироқлар порлар.

Кувноқ даврага

Ҳаммани чорлар.

**Бола:**

Шаънингта дилдан  
Қўшиқлар куйлаб,  
Арчажон, сенга  
Берамиз ўйнаб.

**Бола:**

Қор ёғар,  
Қор ёғар.  
Кўқдан ерга зар ёғар.  
Атроф бегубор, тоза,

Қор маза,  
Қор маза.

**Бола:**

Бир зўр ёғар лайлак қор,  
Тўзғир мисли оппок пар.  
Гўё шакар тўкилар,  
Гоҳо кўқдан ун элар.

**Бола:**

Қиши фасли сахий роса,  
Қор маза,  
Қор маза.

Тарновларда сумалак,  
Йўлакларда яхмалак.  
Ният соф, олам тоза,  
Қор маза,

Қор маза.

**Бола:**

Муз устида тойғаноқ  
Ўйнагани кел, ўртоқ.  
Қиши завқи қандай соз-а,  
Қор маза,

Қор маза.

**Тарбиячи:** Раҳмат, болажонлар. Байрамимизнинг асосий қаҳрамонлари кўринмайди. Қани, уларни ҳам қарсаклар остида чақирсан.

(Мусиқа садолари остида Корбобо, Корқиз ва чанани шынгын ҳолда Күёновай кириб келади).

**Корбобо:** Салом, болажонларим. Янги йил айёштегиз муборак бўлсин. Барчангизга омад, сиҳат-саматлик тилайман.

**Корқиз:** Сизларни кутлаш учун энг яхши совғарни олиб келдик. Шартимиз шуки, байрамда фаол китиашган, қўшиқ куйлаб, шеър айтган болалар оғалар билан тақдирланади.

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, бобожон. Тадбиримизга хуш келибсиз. Болажонларимиз сизни шитизорлик билан кутаётган эдилар. Келинг, ҳозир улар ижросида чиройли бир қўшиқ эшитсан.

(Шундан сўнг болажонлар F.Қодиров томонидан бастамаган «Арча» қўшигини жамоа бўлиб куйлайдилар).

**Корбобо:** Баракалла. Қўшиқни жуда чиройли қилиб ижро этибсизлар. Хоҳловчилар бўлса, шеър ҳам айтишлари мумкин. Энг яхши шеърларни мен совға билан тақдирлайман.

**Бошловчи:** Ҳа, албатта, бизнинг болажонлар жуда кўплаб шеърларни ёд олишган. Келинг, у ҳолда уларни эшитамиз.

**Бола:**

Ташқарида қиш,

Ям-яшил арча.

Дилларда баҳор,

Қувнайди барча.

**Бола:**

Янги йил сийлаб,

Келтирган омад.

Тўрда турибсан,

Хурматинг баланд.

**Бола:**

Роса безаниб,

Кетибсан бойиб.

**Үйинчоқларин**

**Гүзал, ажайиб.**

**Бола:**

Қор ёғмоқда, марҳабо,  
Ясаймиз биз қорбобо.

Жон киргизиб қорқизга,  
Деймиз: сен ҳам кир юзга.

**Қорқиз:** Шेърларни жуда чиройли ва ифодали қилиб айтиб бердилар. Қани менинг қор парчала рим? Улар қаерда?

(Шундан сүңг болажонлар «Қор ёғмоқда» құшиига құлларида зарлар билан рақс тушади).

**Қорбобо:** Раҳмат, болажонларим. Сизлар жуда ақсли экансиз, топқырлигингизни бир синовдан үт-казай-чи. Айтганча, йүл-йүлакай үрмондан қор олиб келғанман. Болажонлар билан қорбүрон үйнаймиз, уларнинг чаққону эпчиллигини синааб құрамиз.

(Барча әртак қаҳрамонлари ва болалар пахтадан ясалған құлбола қорларни бир-бирига отиб, мусиқа садолари остида үйин үйнашади).

**Бошловчи:** Бобожон, болаларимиз сизнинг сино вингиздан үта олдими?

**Қорбобо:** Ҳа, албатта, улар ҳайрон қолдириши. Энди болажонларимизга совғаларни улашсак.

**Бошловчи:** Жуда соз. Бобожон, биздан нима хизмат?

**Қорбобо:** Энди менга рухсат берсангиз, бошқа таълим муассасаларига ҳам бориб болажонларга совғаларни тарқатсам.

(Қорбобо ва Қорқиз мусиқа садолари остида чиқиб кетишиади).

**Тарбиячи:** Шунинг билан кичик гурух тарбияланувчилар билан тайёрлаган байрам эрталигимиз үз ниҳоясига етди. Яна бир бор байрам муборак бўлсин.

(Болалар мусиқа садолари остида залдан чиқиб кетишиади).

## **ҲОСИЛНИ ЙИГИБ-ТЕРИНГ**

*(Мактабгача таълим мұассасаларининг  
үрта гурух тарбияланувчилари учун)*

*Зал байрамона безатилган. Тарбияланувчилар бир-би-  
рининг құлидан маңкам ушлаганча жуфт-жуфт бўлиб  
Аваз Мансуровнинг «Куз» қўшиги мусиқаси садолари  
остида кириб келадилар.*

### **Бошловчи:**

Олтин кузим,

Олтин кузим, олтин куз,

Таърифингга,

Мақтавингта излаб сўз,

Водийларни,

Воҳаларни кезаман,

Пахтазору,

Богу роғлар безангандан

Оlam чирой

Бахш этдинг, бўз-қўриққа,

Ясан-тусан

Ҳар ён – чиққан кўрикка.

Баҳор, ёзги

Мехнатимга якунсан,

Олтин кузим,

Ҳам сахийсан, тўкинсан.

Ассалому алайкум, менинг болажонларим. Бугун  
ўлкамизда ўзгача кун, ўз сепини ёйиб олтин куз ки-

риб келди. Албатта, бу фаслда меҳнаткаш дәхқонларимиз йил бўйи қилган меҳнатларининг натижаси бўлмиш мева-сабзавотларни йифиб териб олади. Бугунги ҳосил байрами кунлари эса болажонлар ёд олган шеър-қўшиқларини меҳмонларга тақдим этиш истагида тайёрланиб турибдилар. Келинг, энди уларни қарсаклар остида қарши олсак.

**Бола:**

Исмим –

Жаноб Саримсоқ...

Гапиргим йўқ

Кўп узоқ.

**Бола:**

Қувноқ-шодон

Пистаман.

Аскияга

Устаман.

**Бола:**

Ҳандалакман

Полизда,

Лекин қандман

Оғизда.

Яйраб ўсдим

Далада.

**Тарбиячи:** Раҳмат, болажонлар. Энди эса навбатни болалар ижросидаги чиройли қўшиқقا берсак.

(Шундан сўнг болалар *M.Икромова томонидан басталанган «Куз» қўшигини ижро этадилар*).

**Бошловчи:** Болажонлар, бугунги байрам эрталигимизга бободеҳқон, полиздан келган сабзавотлар ва эртак қаҳрамонлари келмоқчи эдилар. Негадир ҳаяллаб қолдилар. Тинчликмикин? Ёки уларникига меҳмон бўлиб борамизми, нима дейсиз, болажонлар?

**Болалар:** Майли (ҳамма биргаликда).

**Бошловчи:** Унда бу саёҳатимиз ўзгача бўлади.  
Бизга сеҳргарнинг ёрдами керак бўлади.

**Бола:** Ахир биз сеҳргарни қаердан топамиз? Унинг  
қаерда яшашини билмаймиз-ку?

(Шундан сўнг мусиқа садолари остида даврага Сичқон-  
вой кириб келади. Ҳайрат билан безатилган саҳнани то-  
моша қила бошлиайди. Тарбиячи ва болажонлар эса унинг  
ҳар бир ҳаракатини кузатиб туради).

**Сичқонвой:**

Деворларни емирамиз,  
Чи-чи-чий.

Сандиқларни кемирамиз,  
Чи-чи-чий.

Буғдойдарни ўмаррамиз,  
Чи-чи-чий.

Мушук учун семирамиз,  
Чи-чи-чий.

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, Сичқонвой. Дав-  
рамизга хуш келибсиз.

**Сичқонвой:** Салом. Мен тушунмаяпман, қаерда-  
ман. Негадир аввал бундай чиройли жойни қўрма-  
ган эканман.

**Бошловчи:** Болажонларимиз бугун ҳосил байра-  
мини нишонлашяпти. Аммо бизни байрамга таклиф  
қилган қаҳрамонларимиз жуда кеч қолишаپти.  
Уларни кутиб, байрамни якунлаш ниятимиз йўқ.  
Болажонларимиз бу байрамни нишонлаш учун кўп  
тайёргарлик қўришган. Шунинг учун биз болажон-  
лар билан йўлга отланаётгандик.

**Сичқонвой:** Ҳа, жуда зўр. Мен эса ўйнаб юриб бу  
ерга келиб қолибман. Айтганча, мен ҳам сизлар билан  
борсам бўладими? Балки бирор ёрдамим тегиб қолар.

**Бошловчи:** Сичқонвой, мабодо сен сеҳргарнинг  
қаерда яшашини билмайсанми? Агар билсанг, бизга  
ёрдам бергин.

**Сичқонвой:** Ҳа, биламан. Лекин уни чақириш қийин бўлса керак (бир оз ўйлаб туриб).

**Бошловчи:** Нега бундай деяпсан? Сичқонвой, агар билсанг бизга айт. Ҳеч кимга лом-мим демаймиз. Тўғрими, болажонлар?

**Болалар:** Ҳа (ҳамма бир овоздан).

**Сичқонвой:** Мен ўтган иили сеҳргарнинг ертўласидаги кавакда яшардим. Кунларнинг бирида меникига холам меҳмонга келганди. Холамни меҳмон қилиш учун сеҳргарнинг омборхонасидан пишилоқ ва мевалардан ўғирлаган эдим. Сеҳргар бундан хабар топиб, мени ва холамни мушугига ем қилимоқчи бўлганди. Бир куни мен сеҳргар ухлаб ётганида сеҳрли таёқчасини ўғирлаб, уйимга беркитиб қўйдим. Ўша кундан бери сеҳргар таёқчасисиз ҳеч қаёққа боролмай юрибди.

**Бошловчи:** Жуда ёмон бўлибди-ку. Сичқонвой, у ҳолда сен тезда сеҳргар ҳузурига бориб узр сўраб, таёқчасини бер. Зора бизга таёқчаси ёрдамида тезюарар мевали аравача ясаб берса.

**Сичқонвой:** Йўқ, мен унинг мушугидан қўрқаман. У мени еб қўйиши мумкин.

**Бошловчи:** У ҳолда тезда бориб сеҳрли таёқчани эшик тагига ташлаб келасан сеҳргар уни бари бир уйидан чиқа туриб олиб бизнинг байрамимизга етиб келади. Бизнинг байрам томошасига ўз ҳиссангни қўшмоқчи бўлсанг шу ишни қил, бизнинг болажонларимиз рақсга тушиб туради.

(*Болалар «Шафтолим» қўшигига рақсга тушишиади. Мусиқа садолари тугаб бўлгач, ҳовлиқиб Сичқонвой кириб келади).*

**Бошловчи:** Бунча ҳовлиқмасанг, Сичқонвой. Тинчликми?

**Сичқонвой:** Сиз айтгандай қилдим? Ҳадемай сеҳргар мушуги билан келиб қолади. Мен эса кетдим, далага бориб бободеҳқонни хабардор қиласман.

*(Сичқонвой мусиқа садолари остида чиқиб кетади. Бир оз ўтиб эса сеҳргар мушуги билан кириб келади).*

**Болалар:** Ассалому алайкум (ҳамма биргаликда).

**Сеҳргар:** Салом, менинг болажонларим ва тарбиячи опа. Соғ-омономисизлар?

**Бошловчи:** Раҳмат. Жаноб сеҳргар, бугун муасасамизда байрам. Болажонларимиз байрамга атаб шеър-қўшиқлар ёд олишган. Аммо байрамга чақирилган қаҳрамонларимиз ҳали-ҳануз келишмади. Шу сабаб бугун байрам эрталигимизга бир оз ўзгартириш киритамиз. Яъни, байрамни полизда ўтказиш учун йўл олмоқчимиз. Бунинг учун сизнинг ёрдамингиз керак, жаноб сеҳргар.

**Сеҳргар:** Майли. Агар қўлимдан келса йўқ демайман.

**Бошловчи:** Полизга боришимиз учун бизга қандайдир ноанъанавий автоулов керак. Бу фақатгина сизнинг қўлингиздан келади.

**Сеҳргар:** Майли, фақат менинг бир шартим бор. Хотирам сал сустлашиб қолгани учун сеҳрли сўзлар ёдимдан кўтарилибди. Бунинг учун яхшигина қўшиқ тинглашим керак. Фақатгина болажонлар ижросида бўлсин.

**Бошловчи:** Хўп бўлади. У ҳолда навбатни болажонларимиз ижросидаги «Ёмғир ёғалоқ» қўшиғига берсак.

*(Шундан сўнг болалар «Ёмғир ёғалоқ» қўшиғини ижро этишиади).*

**Сеҳргар:** Жуда ажойиб. Мен кутгандан-да чиройли куйлашди. Хотирам ҳам жонланди. Энди эса болажонлар менга турли сабзавоту меваларни келтиришса, сеҳрим ёрдамида улардан ажойиб аравача ясайман.

*(Болалар турли мева-сабзавотларни келтиришиади. Саҳнанинг ортида картондан ясалган, мевалар акс этирилган поездчани тарбиячи олиб чиқади).*

**Бошловчи:** Раҳмат, Сеҳргар. Биз энди йўлга отлансан ҳам бўлади. Бўлмаса, кетдик болажонлар. Сиз ҳам юринг биз билан, жаноб сеҳргар.

(Тарбиячи ва сеҳргар поезд вагонлари ёнида, болалар ичидаги турган ҳолда композитор Хуршида Ҳасанова томонидан басталанган «Богимиз – дўстлик боги» қўшиги мусиқа садолари остида бир марта айланадилар. Кейин эса ҳамма яна жойига туриб олади).

**Бошловчи:** Мана, манзилимизга ҳам етиб келдик.

(Шунда дехқонбобо ва беш нафар турли хил мева шаклидаги кийимларни кийган болалар саватчаларда мева-сабзавотларни кўтарган ҳолда кутиб олишади).

**Болалар:** Ассалому алайкум (ҳамма бир овоздан).

**Дехқонбобо:** Келинг, қадрли болажонларим энди ёнингизга боришга отланаётган эдим, бирдан келаёттганингиз ҳақида Сичқонвой хабар бериб қолди. Шунинг учун полиздаги барча мева-сабзавотлардан тайёрлаб қўйганман.

**Бошловчи:** Раҳмат, бобожон. Энди сиз учун тайёрлаб келган байрам эрталигимизни томоша қиласангиз.

**Дехқонбобо:** Қани, у ҳолда томоша қиласиз...

**Бола:**

Попук баргли

Бошим бор.

Вазмингина

Тошим бор.

Думи узун

Редиска –

Менга

Кенжатой ука.

**Бола:**

Кечакундуз

Ухламай,

Мева тугдим

**Гулламай.**  
Мевам ўзи  
Гулчадир.  
Тилло рангли  
Кулчадир.

**Деҳқонбобо:** Раҳмат, жуда ажойиб шеърлар  
кан, қўшиқларингиз ҳам борми?

**Бошловчи:** Шошилманг, болажонларимиз сиз  
нитаётган ҳамда сиз кутаётган лавҳаларимиз мавжуд.

(*Деҳқонбобо тарбиячи гапидан бир оз уялиб қўяди.  
Шундан сўнг қизлар иштирокида «Барглар рақси» қў-  
шигига рақс ташкил қилинади*).

**Бошловчи:** Раҳмат, энди болажонларимиз иш-  
тирокида бир ўйин ўйнасан. Ҳа, бобожон, бу ўйинни  
бирга ташкил этсан. Полизингизда ҳали-ҳануз терил-  
май қолиб кетган қандай мева-сабзавот бор. Мазкур  
ўйинда мана шу мева-сабзавотларни болалар ишти-  
рокида териб олсан бўлади.

**Деҳқонбобо:** Жуда соз иш бўларди. Полизда саб-  
зи ҳамда карам қолган. Уни Қовоқвой териб бераман  
деганди. Аммо ундан ҳали дарак йўқ. Агар иложи  
бўлса, уни дангасалиқдан қутқарсан. Болалар билан  
шу ўйинда иштирок этса. Менимча, жуда соз иш  
бўларди.

**Бошловчи:** Хўш, болалар, уни ҳам ўйинга қўша-  
мизми?

**Болалар:** Ҳа (ҳамма бир овоздан).

(*Болалар Қовоқвойни ухлаб ётган жойидан тургизиш-  
га ҳаракат қилишади. Аммо у ҳеч нима демай, ўзини  
эшишмаганга олиб ухлаб ётаверади. Шунда сеҳргар таёқ-  
часи ёрдамида «лака, лака, тум» деб Қовоқвойни уйқудан  
уйготади. Қовоқвой ўрнидан туриб, атрофни томоша  
қилган ҳолда бошловчини сўроққа тутади*).

**Қовоқвой:** Вой, мен қаердаман? Сиз кимсиз? Ҳа,  
бобожон, сизни танидим.

**Бошловчи:** Салом, Қовоқвой! Мен сизни уйқудан уйғотишига роса ҳаракат қилдим. Аммо сен уйғонмадинг. Кейин сөхрардан илтимос қилиб, сөхрли сүзлар ёрдамида сени уйқудан уйғотдик.

**Қовоқвой:** Сизга нима керак ўзи, мени уйғотишидан мақсадингиз нима (*керилиб ва әркаланиб гапиради*).

**Бошловчи:** Биз ҳосил байрамини нишонлаш мақсадида келдик. Сени ҳам шу байрамда иштирок этишингни күриш учун болалар ҳам дәхқонбобо келдилар. Болажонларимиз билан «Тез ол» ўйинини ўйнасанг, эвазига әнг сара совғаларга әга бўласан.

**Қовоқвой:** Ҳа, майли. Совға берасизларми, мен ширинликларни жуда хуш кўраман.

(Шундан сўнг болалар «Тез ол» ўйинини ўйнашини бошлийдилар. Бунда болалар иштирокида полиздаги қарам ва сабзи маҳсулотлари саватчаларга алоҳида-алоҳида, яъни қарамни оқ, кўк саватга эса сабзини териб солишади. Бу жараён 15 сония давом этади).

**Қовоқвой:** Қойил. Болажонлар чиндан ҳам абжир ва чаққон экан. Мен мағлуб бўлдим. Энди мен ҳар куни мева-сабзавотларни тез теришни машқ қиласман.

**Бошловчи:** Ҳа, тўғри айтасиз. Болажонларимиз жисмонан соғлом ва ақлли.

**Дәхқонбобо:** Қизим, энди менинг полиздаги мева-сабзавотларим ҳам шеър ўқиб, рақс намойиш этишмоқчи.

**Бошловчи:** Жуда соз. Марҳамат, у ҳолда эшитамиз.

**Бола:**

Олтин тожли

Султонман.

Сомса, патир,

Ширмонман.

**Бола:** Ўғитларга  
Түйдим мен.  
Роса қорин  
Қўйдим мен.  
**Бола:**  
Доналарим  
Маржонча.  
Бир бошим –  
Нақ бир жомча.

**Бола:**  
Обиноввот  
Қовунман.  
Битта тишлаб  
Овун, ма.  
Нега бўлдим  
Мен номдор?  
Чунки,  
Чопоним гулдор.

**Бошловчи:** Раҳмат, энди болаларимиз ва полиз экинлари иштирокида рақс намойиш этилади.

(Болалар ва полиз экинлари «Ҳака тана» қўшигига рақс тушади).

**Бошловчи:** Шунинг билан бугунги байран эрталигимиз ўз ниҳоясига етди. Бобожон, сеҳргар, Сичқонвой, Қовоқвой сизларга катта раҳмат. Биз ҳам энди ортга қайтайлик.

**Дехқонбобо:** Сизларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Сизларга раҳмат. Мана бу сабзавот ва мевалар тўлдирилган сават сизларга совга. Уни тановул қилиб бақувват бўлиб юринг.

(Шундан сўнг болалар ва тарбиячи мусиқа садолари остида поездга чиқиб, юрган ҳолда саҳнадан чиқиб кетишади. Кейин саҳна атрофини бир марта айлануб, бoggага етиб келишади).

**Бошловчи:** Мана, манзилимизга ҳам етиб келдик. Айтинг-чи, болажонлар, сизларга байрам эрталигимиз ёқдими?

**Болалар:** Ҳа (ҳамма бир овоздан).

**Бошловчи:** Шунинг билан бугунги байрам эрталигимиз ўз ниҳоясига етди. Хайр, саломат бўлинг!

(Шундан сўнг болалар мусиқа садолари остида меҳмонлар билан хайрлашиб залдан чиқиб кетишади).

## МЕНИНГ ОЙИМ МЕХРИБОН

(Мактабгача таълим муассасаларининг  
ўрта гурӯҳ тарбияланувчилари учун)

Зал байрамона безатилган. Болалар қўлларида гуллар билан С.Абрамова томонидан басталанганд «Онажоним» қўшиги садолари остида кириб келишади.

**Бошловчи:**

Хуш келибсиз, меҳмонлар,

Ўзбекнинг диёрига,

Халқимизнинг қучоги –

Очиқ дўсту ёрига.

Меҳмон келса уйига

Ўртада нон ушалур,

Қадрдонлар пойига

Пойандозлар тўшалур.

Ҳей! Бир даврон сурайлик,

Жарангласин ҳар томон.

Қалбларнинг байрамидан

Ҳайратга тушсин жаҳон.

Ассалому алайкум, азиз ва меҳрибон онажонлар, қадрли опа-сингиллар. Барчангизни байрам билан қутлаймиз. Бизнинг жажжи болажонларимиз, яъни келажагимиз эгаларига таълим-тарбия беришда чарчаманг. Бугун болажонларимиз сизлар учун кичик байрам эрталигини ташкил қилишди. Сизларни шарафлаб шеър, қўшиқлар ёдлашди. Марҳамат, томоша қилинг ва мароқли ҳордик олинг.

**Бола:**

Саккизинчи март –  
Эң улуг байрам.  
Оналар учун  
Эң қутлуғ байрам.

**Бола:**

Кимки Ватанга  
Бўлса чин фарзанд,  
Ҳамма онани  
Қилар teng иззат.

**Бола:**

Деймиз шарафлаб,  
Умрингиз кулсин.  
Бебаҳо айём  
Муборак бўлсин!

(Шундан сўнг мусиқа садолари остида Зумрадой қўлида гул ва қўтича билан кириб келади).

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, Зумрадой.

**Болалар:** Ассалому алайкум.

**Зумрадой:** Ассалому алайкум, қадрли болажонлар ва меҳмонлар. Сизларни бугунги айём билан чин юрақдан табриклаймиз. Ҳамиша баҳтимизга соғ-саломат бўлинг. Бугун байрамни нишонлаётганлигинизни эшитиб елдек учеб келдим. Мен болажонлар билан бу байрамни жуда чиройли ва қувноқ ўтишида ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

**Бошловчи:** Раҳмат. Зумрадой, у ҳолда сен бу ерда дам олиб турсанг, болажонларимиз ўз онажонлари тўгрисида қўшиқ куйлаб беришса.

**Зумрад:** Жуда соз.

(Шундан сўнг болалар З.Қаюмова томонидан басталанган «Онажоним алла айтса» қўшигини ижро этадилар).

**Бошловчи:** Баракалла, болажонлар. Зумрадой, сенга ҳам ёқдими?

**Зумрадой:** Ҳа, албатта, чиройли қўшиқ экан. Бунгунги байрамнинг қизиқарли ўтиши учун мен ажойиб ўйин тайёрлаб қўйганман. Келинг, уни биргаликда ўйнаймиз.

**Бошловчи:** Майли...

(Шундан сўнг болажонлар «Ўз дўстингни табриқла» ўйинини ўйнашни бошлайдилар. Зумрадой қутичаси ичидан икки дона рангли лентачани олиб беради. Мазкур лентачалар қарама-қарши турган ўғил болалар қўлига тутқазилади. Болалар қўлидаги ленталарни қизларнинг сочига гул қилиб қадаб қўйишади. Қадаб бўлган бола табриклайман, деб ишни бажариб бўлганини маълум қилади. Ўйин шу тариқа давом этади).

**Зумрадой:** Қойил. Болажонларимиз жуда эпчил ва чаққон эканлар. Энди мен уларни рағбатлантираман (ҳар бир болага бир донадан гул беради).

Энди сиз бу гулларни онажону бувижонларингизга ҳадя қиласизлар.

**Бошловчи:** Раҳмат, Зумрадой. Бу ўйин жуда қизиқ ва ажойиб экан. Агар хоҳласанг болажонларимиз шеър ҳам айтиб беришлари мумкин.

**Зумрадой:** Яхши-ку, қани, у ҳолда тинглайлик-чи...

**Бола:**

Бахтимизга сиз

Гулдайин яшнанг.

Ер юзидағи

Оналар, яшанг!

**Бошловчи:** Баракалла. Болажонларимиз қўплаб шеърларни ёд олишган. Сен-чи, Зумрадой, бизга нимадир айтиб бера оласанми?

**Зумрадой:** Ҳа, албатта, мен фақат шеърларни билмайману, аммо сизларга ойим айтган аллани хиргойи қилиб беришим мумкин:

Юзлари оппок,

Кўзлари чақнок,

Киприлари узун-у,  
Үйқулари тарқоқ,  
Алла-ё алла  
Үйкүда қундуз,  
Ухлар ой, юлдуз  
Сен нечун ухламайсан,  
Бедорсан ҳануз?  
Алла-ё алла

**Бошловчи:** Жуда чиройли экан. Энди қизларимиз ижросида рақс томоша қылсак.

(Шундан сұңғ қизлар «Құғирчогим, алла» қүшигига рақс тушади. Шу пайт мусиқа садолари остида құлида бир даста гүл билан боғбон бобо кириб келади).

**Болалар:** Ассалому алайкум.

**Бошловчи:** Хуш келибсиз, боғбон бобо.

**Боғбон бобо:** Салом, болажонларим. Байрамингиз муборак, азиз аёллар. Мана шу гулларни атайлаб сизлар учун көлтирдим.

(Шундан сұңғ гуллар мекмонларга тарқатилади. Болалар эса «Рангини топ» үйинини үйнашади).

**Бошловчи:** Раҳмат, бобожон. Байрамимизга қўшилинг, анча толиққан кўринасиз, келинг, мана бу ерга ўтириб олсангиз.

**Боғбон бобо:** Раҳмат, қизим.

(Шундан сұңғ болалар М.Икромова томонидан басталған «Баҳор гуллари» қўшигини ижро этишади. Богбон бобо ва Зумрадой болажонлар билан хайрлашиб, мусиқа садолари остида чиқиб кетади).

**Бошловчи:** Шунинг билан бугунги байрамимиз ҳам ўз ниҳоясига етди. Байрам барчамизга муборак бўлсин. Онажону бувижонларимиз ҳамиша соғомон бўлишсин.

(Болалар жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушишади ва даврадан чиқиб кетишади).

## **ЛОЛА САЙЛИ**

*(Мактабгача таълим муассасаларининг  
ўрта гуруҳ тарбияланувчилари учун)*

**Зал байрамона безатилган, болалар Хуршида Ҳасанова  
томонидан басталанган «Наврӯзим» қўшиги мусиқа са-  
долари остида кириб келадилар.**

**Бошловчи:**

Кўкда бобо қуёшим хуррам,  
Жаранглайди қўшиғим ҳардам.  
Ҳавас қиласи бутун ер куррам,  
Ясангандир менинг ҳур ўлкам.  
Бугун байрам, эҳ, бугун байрам.

Ассалому алайкум, қадрли болажонлар ҳамда  
меҳмонлар. Мана, байрамни ҳам чиройли кайфи-  
ятда кутиб олмоқдамиз. Қаранг, ҳаммаёқ ям-яшил  
гулларга бурканган. Чунки баҳор келди. Атрофни ну-  
рафшон этиб қуёш ўз нурларини сочмоқда. Яйловда  
қўй-қўзилар севинчдан сакраб-сакраб, қувониб яйра-  
моқда. Шундай экан, биз ҳам бугун таълим муассаса-  
мизда байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлашга  
чоғландик.

**Бола:**

Баҳорда хуш ёққаним,  
Гул-чечаклар таққаним,  
Яйраб завқли боққаним,

Тент кече-кундузимсан,  
Асилим – Наврӯзимсан.

**Бола:**

Дала-қирга моможон,  
Биргалашиб борайлик.  
Чучмұмалар чиқибди,  
Даста-даста терайлик.

(Болалар М.Икромова томонидан басталған «Лола сайли» құшигини ижро этишади).

**Бошловчи:** Раҳмат, болажонлар! Бу байрамда, айниқса, онажону бувижонларимиз томонидан тай-ёрланған құқсомса, құқчучвараларни истеъмол қилиш билан бирга, баҳорнинг энг тансик таоми бўлмиш сумалаксиз тасаввур қилиш қийин, тўгрими, болажонлар?

**Болалар:** Ҳа (ҳамма бир овоздан).

(Шундан сўнг болажонлар М.Мирзаев томонидан басталған «Баҳор ваљси» құшиги мусиқа садолари остида Наврӯзой ва Баҳорой қўлларида гуллар ва саватчаларга солинган турли хилдаги ноз-неъматлар билан кириб келишади).

**Болалар:** Ассалому алайкум.

**Наврӯзой:** Ассалому алайкум, менинг азиз болажонларим.

**Баҳорой:** Ассалому алайкум, қадрли меҳмонлар

**Бошловчи:** Келинг, азиз меҳмонлар. Хуш келибсиз, байрам эрталигимизга. Сизларни кутаётган эдик. Тўгрими, болажонлар?

**Болалар:** Ҳа (ҳамма биргаликда).

**Наврӯзой:** Биз бутун сизларни қутлаш ҳамда байрамни яхши кайфиятда ўтказиш учун ташриф буюрдик.

**Баҳорой:** Ҳа, тўғри айтдингиз. Болажонларнинг қай даражада ақлли, зукко эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топиши истагидамиз.

**Бошловчи:** Болажонларимиз доим шай туришади.

**Болалар:** Биз тайёрмиз

**Наврўзой:** У ҳолда болажонларга бир неча шартларимиз бор. Улардан ўтсагина биз бу болажонларнинг кучли ва бақувват эканлигига ишонамиз.

**Баҳорой:** Ҳа, тўғри айтасиз, Наврўзой. Келинг, у ҳолда мен ўз шартимни айтсан ва ажойиб бир ўйин ўйнасан.

(Залга аввалдан парда ортига беркитиб қўйилган сандиқча олиб келинади. Шунда сандиқча ичидан уч нафар бола булут, ёмғир, шамол кўринишида кийинган ҳолда чиқиб келади. Мусиқа раҳбари эса қаҳрамонларнинг ҳаракатига монанд куйлар ҷалиб туради).

**Баҳорой:** Бу менинг ёрдамчиларим. Булар булут, ёмғир, шамол. Улар билан биргаликда шартларни бажарасиз, аммо шартни бажариш вақтида улар сизга халақит бериши мумкин.

(Шундан сўнг «Топган топалоқ» ўйини ўйналади. Унда болажонлар керакли жойдан белгиланган жойгача маҳсус рангли идишларда булут, ёмғир, шамол турган жойга идишларни элтиб, уларнинг қўлларига тутқазади. Олиб берилган маҳсус идиш ичидан нима борлигини тахминан билиб айтади. Агарда унинг ичидан нима борлигини топса, у голиб саналади. Маҳсус идишлар ранги ҳаворанг, кулранг, оқ бўлиши мумкин. Идишлар ичига сув, тупроқ ҳамда пахта солиб қўйилади. Болажонлар идишларни тезкорлик билан элтиб, хоҳлаган қаҳрамон қўлига олиб бориб бериши мумкин. Шундан сўнг унинг номини айтиб ичини очади. Тўғри топган бола разбатлантирилади. Ўйин бир неча маротаба тақрорланиши мумкин).

**Баҳорой:** Бу болалар жуда эпчил ҳамда топағон экан. Аммо менинг ёрдамчиларимни шу кунга қадар ҳеч ким енга олмаган эди. Қойил.

**Бошловчи:** Энди сиз болажонларимиз ақлли эканлигига амин бўлдингизми? Сизлар учун қўшиқ ижро этиб беришади.

(Шундан сўнг болалар С.Абрамова томонидан басталган «Шамол» ва «Ёмғиржон» қўшиқларига раҳс тушади).

**Баҳорой:** Раҳмат, менинг ёрдамчиларим ҳамда болажонлар.

(Баҳорой булут, ёмғир, шамолни мусиқа садолари остида ўз жойига жойлаштириб, сандиқни саҳна ортига олиб бориб қўйишни тайинлайди).

**Наврӯзой:** Баракалла, болажонлар. Энди навбат менга. Қани, бу болажонлар мен томондан берилган шартларда ҳам шундай фаол бўлишармикин.

**Бошловчи:** Наврӯзой, албатта, болажонларимиз сизнинг шартларингизни аъло даражада бажаради.

**Наврӯзой:** Қани, ёрдамчиларим тезда ёнимга келинглар-чи.

(Шундан сўнг мусиқа садолари остида Кун ва Тун кириб келади).

**Наврӯзой:** Қадрли болажонлар, энди сизга таниш қаҳрамонларимиз иштирокида шартларни бажара-сизлар. Қани, ким бошлайди?

(Шундан сўнг болалар «Рангидан топ» ўйинини ўйнашади. Ўйинда Кун ва Тун қўлида иккита халтacha гуллар билан безатилган. Иккита сандиқча ичидаги турли хилдаги гуллар ҳамда оқ ва қора рангли туфаклар яшириб қўйилган. Икки нафар бола оқ ва қора туфакларни гуллар ичидан излаб топиб, Куннинг қўлидаги халтачага оқ туфакни, Туннинг қўлидаги халтача ичига қора туфакларни тезлик билан жойлаштириб боради. Берилган вазифаларни бажариб бўлган болалар разбатлантиради. Ўйин бир неча маротаба қайтарилади).

**Наврӯзой:** Раҳмат, болажонлар. Жуда ақлли ва зукко экансизлар, баракалла. Энди мен олиб келган

тансиқ таом – сумалак ва ноз неъматлардан татиб кўринг.

(Шундай сўнг болалар М.Икромова томонидан басталган «Наврӯзим» қўшигини ижро этишади).

**Бошловчи:** Раҳмат, Наврӯзой. Болажонларимиз сумалак ҳақида жуда кўп шеърлар ёд олишган, келинг, энди навбатни уларга берсак.

**Наврӯзой:** Хўп бўлади-да.

**Бола:**

Оналару бувилар  
Мехри қайнар қозонда.  
Барча севган сумалак  
Тайёр бўлар аzonда.

**Бола:**

Очилгаймиш бойчечак  
Ялай дея сумалак.  
Орзусига етажак  
Кимки еса сумалак.

**Баҳорой:** Гуллар ҳақида ҳам шеърлар ёд олганмисиз?

**Бола:**

Ёниб турган чиннигул,  
Ёқтиради ҳар кўнгил.  
Сенга шайдо ҳар бир дил,  
Чиннигул, чиннигул.

**Бола:**

Бинафшаон, бинафша,  
Кулишларинг чиройли.  
Богимизда очилиб,  
Туришларинг чиройли.

**Баҳорой:** Раҳмат, болажонлар. Бугун бу ерда сизлар билан бир даврада шундай гўзал байрамни нишонлаш насиб этди.

**Наврӯзой:** Ҳа, тўғри айтасиз, бу болажонлар жудаям ақлли экан. Мени ҳамда ёрдамчиларимни хурсанд қилди. Энди бизга рухсат берсангиз.

**Бошловчи:** Раҳмат, бугун бизни жуда хурсанд қилдингиз, келганингиз учун раҳмат.

(Шундан сўнг Баҳорой ва Наврӯзой болалар билан ҳайрлашиб, мусиқа садолари остида чиқиб кетишади).

**Бошловчи:** Шунинг билан байрам эрталигимиз ўз ниҳоясига етди. Барчангизга яна бир бора байрам муборак бўлсин.

## **ОЛТИН ЎЛКАМ**

*(Мактабгача таълим муассасаларининг  
катта ва мактабга тайёрлов гуруҳлари  
тарбияланувчилари учун)*

Тарбияланувчилар бир-бирининг қўлидан маҳкам ушлаганча жуфт-жуфт бўлиб мусиқа садолари остида кириб келадилар.

Мусиқа зали байрамона безатилган. Тарбияланувчилар қўлларида турли хил гуллар билан Хуршида Ҳасанованинг «Тошкентим» қўшиғи мусиқа садолари остида залга кириб келадилар.

**Бола:**

Бугун диллар шодумон,  
Юртнинг истиқдол тўйи.  
Қувонамиз бегумон,  
Тараалар баҳтнинг бўйи.  
Кенг олиб даврамизни,  
Чорлагаймиз биз сизни.  
Юрт ишқида куй, ялла,  
Биз айтамиз баралла.

**Бошловчи:**

Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар ва азиз болажонлар! Азиз ва муқаддас айём – юртимизнинг Мустақиллик тўйи ҳаммамизга муборак бўлсин. Бу байрамни халқимиз зўр хурсандчилик билан кутиб оляпти. Меҳнаткаш, бунёдкор халқимиз ўз меҳнат-

лари билан республикамизнинг гуллаб-яшинашида, равнақ топишида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

(Ҳамма ўрнидан туради. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграйди).

**Бола:**

Ватан – обод макондир,

Эркин, озод замондир.

Элим омон-омондир,

Йўлим қўёш томондир.

**Бола:**

Мен олисга кетсам агар,

Қучоғингта қайтгим келар,

Софингларим тошиб кетар,

Дилда бандим сенсан, Ватан!

(Болалар ижросида Т.Азимов томонидан басталанган «Қўшигимиз авжида» қўшигини ижро этишади).

**Бола:**

Оқ, яшил ва ҳаворанг,

Оримиз – байроғимиз,

Бутун дунё билади,

Шуҳратимиз, шонимиз.

**Бола:**

Ўзбек ўғли бўламан,

Кичик бекман, тўраман.

Элим айтган ўланга,

Жўр бўламан, жўраман.

(Шундан сўнг болалар биргаликда қўлига байроқчаларни олган ҳолда Э.Тиличеванинг «Байроқчалар» қўшигига ҳаракатли ўйинларни бажарган ҳолда рақс тушади. Бошловчи болаларга савол билан мурожаат этади. Сўнгра тарбиячи ватанимиз Мустақилликка эришганидан сўнг қўлга киритган ютуқлари акс этирилган альбом тасвирларини изоҳлаб беради. Шу пайт ҳумо қуши саҳнага кириб келиб, болажонлар билан саломлашади).

**Бошловчи:** Салом, ҳумо қуши! Даврамизга марҳабо. Мустақиллигимиз муборак бўлсин. Сени биз интиқиб кутдик. Болажонлар сен ҳақингда кўплаб маълумотларга эга.

**Ҳумо қуши:** Раҳмат сизларга. Байрам барчамизга баҳт, омад олиб келсин. Юртимизнинг эртаси бўлган сиз, азиз болажонлар ўқиб, келажакда халқимизга керакли инсон бўлиб етишишингизга тилакдошман.

**Бола:** Ҳумо қуши – тинчлик, баҳт-саодат тимсоли.

**Ҳумо қуши:** Жуда тўғри айтдинг. Мен тинчлик, баҳт келтирувчи қушман.

**Бошловчи:** Жонажон Ватанимизни кўз қора-чиғидай асраримиз керак. Азиз болажонлар, ким билади, республикамизнинг расмий номланиши қандай?

**Бола:** Ўзбекистон – суверен демократик республика.

**Бошловчи:** Ўзбекистон Республикасининг пойтахти қайси шаҳар?

**Бола:** Пойтахтимиз – Тошкент шаҳри.

**Бошловчи:** Бизнинг қандай бойликларимиз бор?

**Бола:** Юртимиз нефть, газ, олтин, тошкўмир ва турли қимматбаҳо ер ости бойликларига эга.

**Бошловчи:** Раҳмат, болажонлар! Энди биз ҳумо қушини хурсанд қилиш мақсадида унга чиройли бир қўшиқни ҳадя қилсак.

(Шундан сўнг қизлар «Атлас кўйлак» қўшигига рақс тушишиади).

**Бошловчи:** Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг моҳир спортчилар етишиб чиқиб, халқаро мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритдилар. Улар Ватанимизни, мустақил диёризни дунёга танитишиди. Шаҳарларимиз, қучаларимиз, маҳаллаларимиз кундан-кунга яшнаб, обод бўляпти. Юртимизда байрамларни кенг нишонлаб келяпмиз. Буларнинг барчаси тинчлик нашидаси-

дир. Қани, болажонлар, ким бизларга Ватан ҳақида ҳикматли сўзларни айтиб беради?

**Бола:** «Булбул чаманин севар, одам – Ватанин».

**Бола:** «Ватани борнинг баҳти бор, меҳнати борнинг – таҳти».

**Бола:** «Ватан остоңдан бошланади».

**Бола:** «Ватанинг тинч – сен тинч».

**Бошловчи:** Баракалла, болажонлар! Сизлар билимдон эканлигинизни яна бир бора намойиш қилдингиз. Ўйлаймизки, сиз келтирган маълумотларни ҳамма ўзи учун билиб олади.

(Шундан сўнг болажонлар бастакор М.Дадабеевнинг «Ўзбекистон мустақил» ёки «Истиқлол» қўшигини куйладилар. Сал ўтмай ҳұмо қуши мусиқа садолари остида болажонлар билан хайрлашиб, даврани тарк этади).

**Бола:**

Мен ўзбекнинг қизиман,

Порлаган юлдузиман,

Насиб этса оламга,

Донғим кетар ҳар ёнга.

Балки бўларман олим,

Бўларман ё шифокор?

Шунда бутун жаҳонда

Дерлар бу кимнинг қизи?

Шунда дерман баралла,

Мен ўзбекнинг қизиман,

Порлаган юлдузиман.

**Бола:**

Таърифингни баён этиб,

Ҳеч ҳам кўнглим тўлмайди.

Сенга қанча меҳнат қилсан,

Қарзим адо бўлмайди.

**Бола:**

Мустақил юртим сенинг,

Қай ютуғинг таърифлай?

Күм-күк боғинг, гўзал қасринг  
Дунёга кўз-кўз этай.

**Бошловчи:** Азиз болажонлар ва хурматли меҳмонлар, мустақилликнинг шонли байрами, кутлугтўйи ҳаммангизга муборак бўлсин! Сизлар Ўзбекистоннинг эртанги ёруғ кунисиз, унинг эгаларисиз. Она-Ватанимиз билан фахрланишимиз, ғуурланишимиз, унинг ҳар қаричини муқаддас билиб, кўз қорачифидек асраромогимиз керак, Ватанимизни доимо севиб, ардоқлайлик. Шунинг билан бугунги байрам эрталигимиз ўз ниҳоясига етди. Хайр, саломат бўлинг.

*(Болажонлар мусиқа садолари остида залдан чиқиб кетишади).*

## **САЛОМ СЕНГА, ОЛТИН КУЗ**

*(Мактабгача таълим муассасаларининг  
мактабга тайёрлов ва катта гурӯҳ  
тарбияланувчилари учун)*

Зал байрамона безатилган, тарбияланувчилар бир-бирининг қўлидан маҳкам ушлаганча жуфт-жуфт бўлиб композитор А.Мансуровнинг «Куз» қўшиги мусиқа садолари остида кириб келадилар.

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, менинг жажжи болажонларим. Мана, залимиз байрамона безатилган. Олтин кузни шарафлаб байрам ўтказишни режа қилдик. Бугунги тантанада барчангизни sogомон қўриб турганимдан бағоят хурсандман. Мана шу кунларда бободеҳқонларимиз даладаги ҳосилни йиғиб, дастурхонларимизни ноз-неъматлар билан бойитишга астойдил бел боғлаганлар. Шу сабаб ҳам биз бу кунни ҳар йили байрам қиласиз. Заҳматкаш бободеҳқонларимизнинг шаънига илиқ сўзларни айтамиз. Келинг, навбатни болажонларимизга берсак-да, улардан чиройли шеърларни эшитсак.

**Бола:**

Етиб келди жавҳар куз,  
Сандиқ очди гавҳар куз,  
Боғларин саховати  
Сочилди ноз-неъмати

**Бола:**

Олтин кузим, олтин куз,

Хуш келибсан ўлкамга.

Бахт қүёши чарақлаб,

Офтоб чиқди ўлкамга.

**Бошловчи:** Раҳмат. Энди навбатни болалар ижро-  
сидаги композитор С.Абрамова томонидан баста-  
ланган «Куз» мусиқасини тингласак.

(Саҳнага мусиқа садолари остида Помидор кириб ке-  
либ, бошловчига муҳим хабарни етказади).

**Помидор:** Ассалому алайкум, бошловчи опа. Бу-  
гун байрамга Кузой келолмайди. Бошимизга оғир  
кулфат тушди. Полиз экинлари ҳамда Кузой билан  
йўлга чиқаётганимизда унинг ёпинчиғи йўқолиб  
қолди.

**Бошловчи:** Ие, энди нима бўлади? Хўш, бола-  
жонлар, қандай чора қўрамиз? Унинг ёпинчигини  
топишга ёрдам берамизми?

**Болалар:** Ҳа (ҳамма биргаликда).

**Помидор:** Агар биз Кузойнинг ёпинчиғини топ-  
масақ, барча полиз экинлари сўлиб, қуриб қолади.  
Кейин эса одамлар нима ейди. Ахир ҳар қандай овқат  
ҳам полиз экини билан бўлади-ку. Бундан ташқари,  
ҳосил байрами ҳам бўлмайди. Ҳаттоқи фасллар ҳам  
ўзгариши мумкин. Шунинг учун биз Кузойни ҳамда  
полиз экинларини асраб қолишимиз зарур.

**Бошловчи:** Хўш, уларни ким қутқара олиши мум-  
кин (бошловчи болаларга ва томошибинларга юзланади).

**Помидор:** Ҳа, айтганча, бу томондан бизга ким қў-  
мак бера олади-я?.. Аввал уни ким уюштирганини би-  
либ олишимиз керак (бир оз ўйланиб туриб). Меним-  
ча, Қорақўнғиз хоним ва унинг ёрдамчилари ака-ука  
Ўргимчаклар биргаликда бу ишни уюштирганлар.  
Уларга қарши нимадир қилиш керак, ахир. Менимча,  
бунда бизга болажонларнинг ёрдами тегади.

**Бошловчи:** У ҳолда биз тайёрмиз. Ҳүш, ишни ни-  
мадан бошлаймиз, Помидор?

**Помидор:** Ҳадемай бу ерга ака-ука Үргимчаклар  
куз сандигини қидириб келишади. Бу сандиқни мана  
бу ерга беркитиб қўямиз. Агар улар сўраб келишса,  
ҳеч нарсадан бехабар тураверамиз. Жуда сўраб қўй-  
маса, Бодринг хонимда дея уни лақиллатамиз, ке-  
лишдикми...

**Бошловчи:** У ҳолда биз бошқаларда шубҳа уйғот-  
маслик учун байрамни давом эттираверамиз.

**Помидор:** Албатта шундай қилиш керак.

(Шундан сўнг болалар композитор Н.Норхўжаев то-  
монидан басталанган «Типратикан» қўшигига рақс ту-  
шади).

**Бошловчи:** Раҳмат. Жуда чиройли рақс бўлибди.  
Болажонлар, келинг, байрамимизни кўтаринки кай-  
фиятда давом эттириб, навбатни болажонлар тайёр-  
лаб келган шеърларга берсак.

**Бола:**

Билиб қўйгин,

Укажон,

Мана, биз-да

Бақлажон!

Мени қишига

Тузлашиб,

Ейишади

Сизлашиб.

**Бола:**

Ҳар доначам

Бир аскар.

Бир қалъада

Минг лашкар.

Улар ётар

Панада –

Оқ пардали

**Хонада.**

**Бола:**

Мушуксан деб

Шоштирма,

Мен ҳақиқий

Моштирман.

Гоҳи тошман,

Гоҳи ош.

Қадрдоним –

Сув, қуёш.

**Бола:**

Гоҳ ухлайман

Түрвада,

Гоҳ пишаман

Шўрвада.

Қовурмада

Қайнайман.

Маставада

Үйнайман.

Лағмонда ҳам

Мен борман.

**Бошловчи:** Баракалла, болажонлар! Жуда чиройли ва ифодали қилиб айтиб бердингиз.

(Шу пайт мусиқа садолари остида ака-ука Ўргимчаклар кириб келади).

**Ўргимчак (ака):** Салом сизларга, нима гап, нима тўполон? Ҳўш, байрам қандай ўтятти?

**Ўргимчак (ука):** Ҳа, сен ҳам шу ердамисан, қипқизил ширинтойим (юзидан чимчилаб) бир тишлаб олай, қорним жуда очди.

(Шунда Помидор қаршилик билдиради).

**Помидор:** Қоч, халақит берма.

**Ўргимчак (ака):** Ҳали ҳам шу ердамисан, полиздаги ака-укаларингдан хабар олсанг бўларди. Балки улар аллақачон сўлиб улгургандир.

**Үргимчак (ука):** Ҳа, ҳа, тұғри. Яхшиси полизга шошил.

**Үргимчак (ака):** Сизлар үзи қандай байрамни нишонлаяпсизлар? Мабодо бу ҳосил байрами әмасми? Агар шундай бўлса, у ҳолда билиб қўйинг, тантанага Кузой келмайди.

**Үргимчак (ука):** Бечора Кузой... Ҳойнаҳой у полиздаги мева-сабзавотлар билан бирга аллақачон сўлиб улгургандир.

**Үргимчак (ака):** Яқинда бизнинг саройда ҳам байрам бўлади

**Үргимчак (ука):** Тўппа-тўғри, Кузойнинг ёпинчигини кийғасак қўнгиз хонимга кийим тўқишини бошлаймиз.

**Үргимчак (ака):** Айтганча, ёдимииздан кўтарилмасин-а. Қўнғиз хонимнинг жаҳли чиқмасидан, тезда куз сандигини қидириб топишимиш керак.

**Үргимчак (ука):** Мабодо билмайсанми, Помидор, бу сандиқни қаердан топсак бўлади?

**Помидор:** Ҳабарим йўқ, билмайман (қўрслик билан гапиради).

**Үргимчак (ака):** Агар бизга сандиқни топишга ёрдам берсанг, сен ва оила аъзоларингни ўз сафимизга қўшиб оламиш. Кейин эса ҳеч қандай муаммо қолмайди. Яна яшашда давом этаверасан.

**Үргимчак (ука):** Агар йўқ, десанг, сенинг бошингта ҳам дўстларингники сингари кулфат ёғилади.

**Бошловчи:** Келинг, яхшиси Кузойга ёрдам берамиз. Помидор ва ака-ука Үргимчаклар, яхшиси, масалани ҳамжиҳатлиқда ҳал қилиб олсак.

(Шу пайт бошловчи ака-ука Үргимчакларни бир оз байрамда ушлаб туриб, кейин ухлатиш пайида бўлади).

**Үргимчак (ака):** Бизга нима таклиф қилмоқчисиз?

**Үргимчак (ука):** Ҳа, айтинг! Нима демоқчисиз?

**Бошловчи:** Сизга байрамни биз билан ўтказишни таклиф қылмоқчимиз. Агар болажонларимиз билан ўйин ўйнасак, сизлар ғолиб бўлсангиз, сандиқни топишга кўмаклашамиз.

**Ўргимчак (ака):** Майли, келишдик (бир оз ўйлаб турраб).

**Ўргимчак (ука):** Хўш, ўйин шартига кўра биз нима қилишимиз керак?

(Ака-ука Ўргимчаклар болалар билан бирга кўзларини юмган ҳолда «Мазасидан топ» ўйинини ўйнашади. Бу вазиятдан фойдаланган Помидор эса ака-ука Ўргимчаклар халтасидаги Кузойнинг ёпинчигини бошқасига алмаштириб қўяди. Ўзи эса саҳнадан чиқиб, Кузойнинг ёпинчигини олиб кетади).

**Ўргимчак (ака):** Жудаям мазали экан.

**Ўргимчак (ука):** Менинг қорним тўйганигами, бир оз мизғиб олгим келяпти.

(Бир чеккада ўтирган ҳолда хуррак отиб ухлаб қолишади).

**Бошловчи:** Болажонлар, Помидор ҳам Кузойнинг ёпинчигини олиб кетди. Энди барча полиз экинларининг ҳаётини кутқариб қолади. Ҳозир Кузойнинг ўзи ҳам келиб қолса керак.

(Шундан сўнг мусиқа садолари остида Кузой ва полиз экинлари – Помидор, Бодринг, Сабзи, Картошка кириб келади).

**Болалар:** Ассалому алайкум (ҳамма болалар бир овоздан айтади).

(Шу пайт ака-ука Ўргимчаклар шовқиндан чўчиб уйгониб кетадилар).

**Бошловчи:** Саломатмисан, Кузой!

**Кузой:** Салом, болажонлар ва меҳмонлар! Бугун айём баҳона сизларни кўриб турганимдан хурсандман.

**Бошловчи:** Бугун сени жуда ўйлаб, болажонларимиз билан бу байрамни сенсиз ўтказишга ҳаракат

**қилдик.** Помидор билан биз құлдан келгунга қадар ёрдам беришга ҳаракат қилдик.

**Кузой:** Ҳа, айтганча, Помидор бўлиб ўтган барча ишлардан хабардор қилди. Энди мана бу зараркунандалар билан шугуллансан мақсадга мувофиқ бўларди.

**Ўргимчак (ака):** Мен эмас бу.

**Ўргимчак (ука):** Йўқ, сен бошладинг.

**Ўргимчак (ака):** Сен, Қўнғиз хоним.

**Ўргимчак (ука):** Йўқ, сен у билан бирга бошладинг.

**Кузой:** Бўлди, бас! Бизларни нобуд қилмоқчи бўлдингиз. Сиз мени ёпинчиғимни олиб, биз ёрдам берамиз, дея алдаб кетдингиз. Ҳаттоқи болаларни менинг келмаслигимга ишонтирдингиз. Бу нима қилганингиз, сизларни қандай жазоласам экан-а...

**Ўргимчак (ака):** Бизни Қўнғиз алдади. У: «Малика бўлсан сизларни ҳимоя қиласман. Ҳаттоқи болалар сизларсиз байрамни ўтказишга журъат қила олмайди», – дея ишонтириди. Бизни кечиринг. Бошқа қайтарилмайди

**Ўргимчак (ука):** Кечиринг, нима десангиз ҳам барчасига розимиз.

**Кузой:** Мен сизларни болалар қўлига топшираман, улар сизга жазо тайинлади.

**Ўргимчак (ака):** Кечиринг, болажонлар.

**Ўргимчак (ука):** Кечиринг, ҳаммасига Қўнғиз хоним айбдор.

**Бошловчи:** Бугун байрам, болажонлар, келинг, барчасини ортга ташлаб, байрамнинг бадиий қисмини бошласак.

**Болалар:** Ҳа (ҳамма бир овоздан).

**Бошловчи:** У ҳолда жуда соз. Кузой, бугун болажонларимиз байрамга тайёрлаб келган шеър, қўшиқ, рақсларини тингласак.

**Кузой:** Марҳамат.

**Бола:**

Ерга чуқур  
 Ботсам мен,  
 Беркинволиб  
 Ётсам мен,  
 Излаб топди  
 Ошпазлар,  
 Мени чопди  
 Ошпазлар.  
 Йигламадим,  
 Полвонман...  
 Лекин жуда  
 Ҳайронман:  
 Ошпазларнинг  
 Ўзлари  
 Нега ёшлиар  
 Кўзларин?

**Бошловчи:** Баракалла болажонлар, энди эса навбатни Кузой тайёрлаб келган ажойиб рақсга берсак.

(Шундан сўнг қизлар Кузой иштирокида «Баргчалар» қўшигига рақс тушади).

**Бошловчи:** Жуда ажойиб.

**Бола:**

Ҳандалакман  
 Полизда,  
 Лекин қандман  
 Оғизда.  
 Яйраб ўсдим  
 Далада.

Офтоб чиқса,

Ялла-да.

**Бола:**

Лақабим –

Гўштқалампир.

Эккан мени  
Бир кампир.  
Бордир  
Эски касалим –  
Пачавароқ  
Асабим.  
**Бола:**  
Ичинг тұла  
Сув, дема.  
Хоҳламасанг,  
Бор, ема!  
Қондошман-а  
Бананга,  
Киви –  
Хорижлик янгам.  
Пайти келса,  
Тортар жон –  
Менга  
Ҳазрат Бақлажон...  
Хуллас,  
Күпdir уругим.  
Шу боис  
Зўр довруғим.

(Ўғил болалар «Тумор» қўшиғига рақс тушади).

**Кузой:** Раҳмат, болажонлар. Мен ҳали кўп байрамларга боришим зарур. Сизларни бугунги байрам билан табриклайман. Уйингизга тинчлик ва сизга саломатлик тилайман. Бу мендан сизларга совға. Полиз маҳсулотларини еб, ақлан ва жисмонан соғлом бўлиб юринг.

**Болалар:** Хайр (ҳамма бир овоздан).

**Бола:**  
Тўс-тўполон  
Бозорда,  
Ёки

**Бирор гузарда –**

**Учраб қолган**

**Онимда,**

**Үтиб кетма**

**Ёнимдан.**

**Күрганмисан**

**Кинони –**

**Машхур**

**«Чиполлино»ни?**

**Ўша ерда**

**Мен ҳам бор.**

**Номим**

**«Синьор Помидор».**

**Бола:**

**Икки юзим**

**Буришқоқ.**

**Дема мени**

**Уришқоқ.**

**Ишга солиб**

**Ақлимни,**

**Сездирмайман**

**Жаҳлимни.**

**Бола:**

**Исмим –**

**Кади-ошқовоқ!**

**Осилириб**

**Қош-қовоқ,**

**Барг остида**

**Ётаман,**

**Томга**

**Палак отаман.**

**Бола:**

**Экилганман**

**Кеч кузда.**

**Баҳор ҳам**

Келди тезда.  
Қүёш  
Шамдек мильтиар.  
Бойчечаклар  
Дилдиар.  
Менга совуқ  
Қилмас кор,  
Қават-қават  
Түним бор.

**Бошловчи:** Раҳмат! Шунинг билан бугунги байрам эрталигимиз ўз ниҳоясига етди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилайман. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин.

—адмиңди ғорий  
негизда борар  
вадиши  
вагея Гурух  
— маданий  
негизида  
— шахид  
орусша  
Бозондиган оғиз

Гурзуф шайлоатид оғзасын бой тақиминадай  
— «нахозда» қандай сабак күдайт ташватарлайды тақимни  
— тобеғим. Ошаның ташарой дўстлаф мўлжаласи! Стартини  
дисциплинанинг маддий Алиевдикони нафасорни, анибон  
арбоб мешруткоти ташватарлайды ташлантиб ташлантиб ишбуен  
— ташватарлайди. Ташватарлайди ташватарлайди. Ишбуен  
— ташватарлайди.

## **ОФТОБИМСИЗ, ОНАЖОНИМ**

*(Мактабгача таълим муассасаларининг  
катта ва ўрта гуруҳ тарбияланувчилари учун)*

Богча зали кўклам нафасини эслатувчи гуллар билан  
безатилган. Тарбияланувчилар қўлларида турли хил гул-  
лар билан Дилором Омонуллаеванинг «Бувижон» қўшиги  
мусиқаси остида залга кириб келадилар ва ўз жойларини  
эгаллайдилар.

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, азиз онажонлар,  
опа-сингиллар, ҳамкаслар, азиз болажонлар! Иили-  
миз тақвимида турли шодиёна саналар кўп. Аммо бу  
байрамнинг улар орасида ўрни ўзгача. Унинг уйро-  
ниш ва яшариш фаслида нишонланиши ҳам бежиз  
эмас. Гўзал диёримизга барчамиз соғиниб кутган  
баҳор нафаси кириб келаётган мана шу нурафшон  
кунларда сизларни байрам билан самимий қутлай-  
миз. Сизларга энг эзгу тилакларимизни изҳор этиш-  
дан баҳтиёрмиз.

**Бола:** Дўстлар, бугун ҳаммамиз учун қадрли ва  
мехрибон онажону бувижонларимизнинг байрами.

**Бола:**

Сўзлари бол, дурдона,  
Мехнатда энг мардона,  
Оlam ичра ягона,  
Сизсиз, эй азиз ОНА!

**Бошловчи:** Болалар, биласизми, биз нима учун айнан оналар байрамини баҳор фаслида нишонлаймиз? Чунки бу фаслда борлик түзүл, мафтункор ва латофатли бўлади. Айниқса, ўзининг иссик тафти билан бизнинг кўнглимини ёритгувчи Офтоб ва Она сўзлари нақадар бир-бирига боғлиқ-а, қаранг?! Дунёдаги энг меҳрибон, биз учун қадрли бўлган онажонимиз, ахир сизни қандай яхши кўрмай бўлади?!

**Бола:**

Сўзимнинг гавҳар дури,  
Оиласиз ғурури,  
Икки кўзимнинг нури —  
Меҳрибон онажоним.

**Бола:**

Қор, ёмғирда соябон,  
Атрофимиизда гирён,  
Дунёда азиз инсон,  
Меҳрибон онажоним.

**Бола:**

Дилбар дейман онажон,  
Мунис дейман онажон.  
Бахт қўлида порлаган,  
Юлдуз дейман онажон.

(Болалар қўлларидаги гулларни байрамга йигилган онажону бувижонларига берадилар ва Надим Норхўжаевнинг «Гул терди гуллар» қўшигини ижро этишади).

**Бола:** Қуёш нурлариdek иссиқ кафтингиз.

**Бола:** Худди юлдуз каби чақнар юзингиз.

**Бола:** Гўё осмон каби чексиз бағрингиз.

**Бола:** Онажоним менинг, ягонамдирсиз.

**Бошловчи:** Қишининг совуқ кунлари орта қолиб, оналар байрамида сахий заминимиз бағридан майсалар униб чиқди. Борлик яна жонланяпти, қандай ажойиб-а!

(Шундан сүнг қизлар гуллар шаклидаги кийимларда «Бог ичидә гул очилибди» қүшигига раңс тушади).

**Бошловчи:** Болалар, бугун байрамимизга мемонлар ташриф буюришган. Улар сизларни байрам билан қутлаш истагида.

(Шундан сүнг Бойчечак ва Баҳорой пайдо бұлади).

**Бойчечак:** Салом, менинг қадрдонларим!

**Баҳорой:** Саломатмисиз, ширинтойларим!

**Бойчечак:** Қандай чиройли байрам-а, айниңса, буларнинг кийиб олган кийимларини айтмайсизми?!

**Баҳорой:** Менимча, бу ерга йигилған болаларнинг ҳаммаси онасини жуда яхши қўришади, тўғрими?

(Болалар бир овоздан «ҳа» деб жавоб қайтишишади)

**Бойчечак:** Баракалла, ундей бўлса, келинг, бугун сизлар билан қувноқ ўйин ўйнаймиз.

**Баҳорой:** Биз топишмоқ айтамиз, сизлар эса уни топасизлар, бўладими?

(Болалар бир овоздан «ҳа» деб жавоб қайтишишади)

**Баҳорой:**

У бўлади ёнғоқли,

Мураббо ва қаймоқли.

Шоколадли, пушти оқ,

Муздеккина..?

(Болалар бир овоздан «музқаймоқ» деб жавоб қайтишишади).

**Бойчечак:** Қойил, тўғри топдингиз. Энди менинг топишмоғимни тингланг:

Гуллари майда-майда,

Бўёғи сиёҳ рангда.

Софинтириб хуш атрин,

Очилади..?

(Болалардан бири «Настарин» деб айтади).

**Бошловчи:** Баҳорой ва Бойчечак, болажонларимиз топиши мөлдәрингизга мос қўшиқларни ҳам ижро эта оладилар, эшитиб кўрасизларми?

**Баҳорой ва Бойчечак:** Биз жудаем хурсанд бўламиз.  
(Болалар қўлларидағи гулларни ушлаган ҳолда «Настарин» қўшигини куйладилар. Шундан сўнг энг чиройли гулдаста ясаши ўйини бошланади. Ўйин тугагач, ўғил болалар рақс тушади).

**Бошловчи:** Болажонларимиз ақлли эканми? Улар сизларни жуда яхши қўришади, шунинг учун сизга атаб шеър ҳам ёд олишган.

**Бойчечак:** Ие, қандай яхши, у ҳолда тинглаймиз.

**Бола:**

Тун-кун нурга интилдинг,  
Киши қаҳрин ташлаб келдинг.  
Дилларда қадринг баланд  
Баҳорни бошлаб келдинг.

**Бола:**

Бойчечагим, Бойчечак,  
Кулиб чиқсан ой чечак.  
Баҳорда қир-даламга,  
Қўшасан ой чечак

**Баҳорой:** Раҳмат сизларга, менинг жажжи болажонларим. Сизларнинг байрамингизга ташриф бу юрганимдан шодман. Мени соғингансиз, энди сизлар билан бирга бўламан.

**Бошловчи:** Ҳозир онажонларимизни байрам билан қутлаш учун тарбияланувчиларимиз М.Икро мова томонидан басталангандеги «Ая-аяжон» қўшигини ижро этиб бериш истагида, марҳамат, томоша қилинг.

**Баҳорой:** Раҳмат, баракалла, болажонлар! Ҳамма бувижонисини жуда яхши кўрса керак-а! У ҳолда бувижонингиз ҳақида менга ўзингиз ёд олган шеърлардан айтиб берасизлар...

**Бола:**

Оламда энг меҳрибон,  
Сизсиз, азиз бувижон.  
Эркалайсиз ҳар қачон,  
Меҳрибоним яхсисиз.

**Бола:**

Офтобдайин бағрингиз,  
Жозибали меҳрингиз.  
Борми бирор сеҳрингиз,  
Бувижоним яхсисиз

**Бошловчи:** Баракалла болажонлар, ҳа, айтганча, барчангизга онажону бувижонларингиз алла айтиб беришган бўлса керак, келинг, энди бугун қизларимиз ижросида Д.Омонуллаева томонидан басталанган «Алла» қўшиғини биргалиқда тингласак.

**Бойчечак ва Баҳорой:** Раҳмат сизларга, болажонлар! Бугун байрам баҳона сизларнинг топқирилигинизни, моҳирилигинизни ва зеҳнингизни синовдан ўтказдик. Тўғриси, қойил қолдик. Айниқса, сизлар ижро этган куй-қўшиқлар дилимизни чароғон этди. Энди эса биз кетдик, сизлар сингари бошқа болажонлар уюштираётган байрамларга ҳам таклиф этилганимиз. Хайр, саломат бўлинг!

(Мусиқа садолари остида Бойчечак ва Баҳорой чиқиб кетади).

**Бошловчи:** Азиз меҳмонлар, шунинг билан бугунги, онажонларга аталган байрам эрталигимиз ўз нихоясига етди. Ҳеч қачон юзингизни табассум, қалбингизни меҳр-муҳаббат тарк этмасин.

(Болалар шўх мусиқа садолари остида залдан қўл ушишиб, меҳмонларга таъзим қилиб чиқиб кетадилар).

## **НАВРҮЗИМ – ШҮХ СОЗИМ**

*(Мактабгача таълим муассасаларининг  
мактабга тайёрлов ва катта гурӯҳ  
тарбияланувчилари учун)*

Боғча зали кўклам нафасини эслатувчи гуллар билан безатилган. Тарбияланувчилар қўлларида турли хил гуллар билан Хуршида Ҳасанованинг «Наврӯз» қўшиги садолари остида залга кириб келадилар ва доира шаклида туришади.

### **Бошловчи:**

Ассалом, юzlари ёруғ Наврӯзим!

Ассалом, тонг каби порлоқ Наврӯзим!

Ассалом, юртимнинг ўғил-қизлари!

Ассалом, эртанинг ёруғ юzlари!

Ассалому алайкум азиз меҳмонлар, ҳурматли тарбиячилар, кичкинтой дўстлар! Барчангизга яшариш ва янгиланиш айёми бўлган Наврӯзи олам муборак бўлсин!

### **Бола:**

Наврӯз келди кулиб-кулиб,

Боғу далам гулга тўлиб.

Кушлар сайрап жуфт-жуфт бўлиб,

Наврӯзим – ўз сўзим.

### **Бола:**

Боғ эмас дала-тоғда,

Майса яшнаган чоғда.

**Күшлар сайрар бутоқда  
Севикли Наврӯз келди!**

**Бола:**

Лолалар алвон-алвон,  
Сумалак берар дармон  
Сумалак етмай қолган,  
Бир умр қиласар армон.

**Бола:**

Баҳор бизга ёқади,  
Ариқ тўлиб оқади.  
Гулзордаги гунчалар,  
Юлдуз бўлиб боқади.

**Бола:**

Бутун олам чиройли,  
Гул, гунчалар туфайли.  
Келинг, гуллар тагини,  
Чопиб, тозалаб қўяйлик.

(Болалар қўлларидаги гулларни ушлаган ҳолда «Баҳор гуллари» қўшигини куйладилар. Ҳамма болалар жой-жойига ўтиришади. Залда 6-8 нафар қизалоқ ерда тебранганча ўтиради. Барча болалар «Ширин-ширин» қўшигига рақс тушади).

**Бошловчи:** Болалар, биласизми, биз нима учун айнан Наврӯз байрамини баҳор фаслида нишонлаймиз? Чунки бу фаслда борлиқ гўзал, мафтункор ва латофатли бўлади. Айниқса, ўзининг иссиқ тафти билан бизнинг қўнглилизни ёритувчи Офтоб ва Наврӯз сўzlари нақадар бир-бирига боғлиқ-а, қаранг??!

**Бола:**

Чаманзор – боғ, баҳорнинг  
Кўзларига ўхшайди.  
Шилдираган зилол сув  
Сўзларига ўхшайди.

**Бола:**

Баҳор тонги күтариб бош,  
Мұралайди аста қуёш.  
Сұнг жилмайиб отар хандон,  
Яшнаб кетар нурдан ҳар ён.

**Бошловчи:** Қишининг совук қунлари ортда қолиб, Наврұз байрамида сахий заминимиз бағридан майсалар униб чиқди. Борлық яна жонланяпты, қандай ажайиб-а!

(Шұндан сұнг қыздар гүллар шаклидаги кийимларда «Камалак» құшигига рақс тушади).

**Бошловчи:** Болалар, бугун байрамимизга мекомнлар ташриф буюришган. Улар сизларни айём билан қутлаш истагида.

(Шұндан кейин Қүёшбобо ва Баҳорой пайдо бұлади).

**Қүёшбобо:** Салом, менинг дилбандларим! Энди мен нурларимни борлықта таратиб, күнгилларни илитмоқ учун келдім.

**Баҳорой:**

Мен баҳорман, баҳорман,  
Қалби тоза наҳорман.

Мен-ла Наврұз келади,  
Оlam нурға тұлади.  
Наврұз келар – йил боши,  
Сумалак – баҳор оши.  
Дәхқонни құзғатаман,  
Оlamни үйғотаман!

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, Қүёшбобо ва Баҳорой. Даврамизга марҳабо. Бугун Наврұз айёми. Сизларни даврамизда күриб, жуда ҳам хұрсанد бұлдик. Болажонларимиз эса сизларни мадҳ этиб, қүшиқ ва шеърлар ёд олишган.

(Шу пайт қаердандир үйги овози әшиналади. Буни әшияттан мекомнлар ажабланишади).

**Қүёшбобо:** Ие, бу кимнинг овози бўлди!

**Баҳорой:** Ахир, шундай чиройли байрамда ким кўз ёш тўкяпти?

(Ииги овози эшишилаётган томонга бошловчи юзланиб, болаларни ёрдамга чақиради).

**Бошловчи:** Вой, бу сенмидинг, ахир биз сени роса кутдик-ку, ким сени бу ҳолга солди, Бойчечак?!

**Бойчечак:** Биласизми, мен байрамга кетаёттанимда ўрмонда Аямажуз қаршимдан чиқди-да, менинг уст-бошимни аянчли бир аҳволга солиб қўйди. Бундан уялганимдан байрамга ҳам киролмай тургандим.

**Қуёшбобо:** Ташибиш чекма, ҳозир сени аслингга қайтарамиз.

(Шунда Қуёшбобо сеҳрли ҳассаси ёрдамида Бойчечакни яна асл ҳолига қайтаради. Бундан хурсанд бўлган Бойчечак қизлар билан биргаликда Фаттоҳ Назаровнинг «Иноқ ўйнаймиз» қўшигига рақс тушади).

Баракалла. Бойчечак, энди сен ҳам бизнинг даврамизга қўшил, биргаликда болаларнинг топқирлигини текшириб кўрамиз.

**Баҳорой:** Биз топишмоқ айтамиз, сизлар эса уни топасизлар, бўладими?

**Қуёшбобо:**

Булутларни ёритиб ўтди,

Яшил шамшир, ялтироқ.

Гумбур-гумбур ногорасин,

Чалар... (Нима бу?)

(Болалардан биттаси ўйлаб туриб, «Момақалдироқ» деб жавоб қайтаради).

**Баҳорой:** Қойил, тўғри топдингиз. Энди менинг топишмоғимни тингланг:

Кор эмас, қиров эмас,

Челак-челак қуяди.

Пуфак бўлиб кўпириб,

Ер юзини ювади.

(Болалардан бири «Ёмғир» деб айтади).

**Бошловчи:** Қүёшбобо, Баҳорой, Бойчечак, айтинг-чи, болаларимиз ақлли эканми? Улар сизларни жуда яхши кўришади, шунинг учун сизларга атаб шеър ва қўшиқлар ҳам ёд олишган, марҳамат, томоша қилиб дам олинг.

**Бола:**

Кўкда порлаб нур сочасиз,  
Инсонларга йўл очасиз,  
Қүёш бобом кунга боқар,  
Айтинг, мудом кимга боқар?  
Оlamга тенг нуржонсиз,  
Онамдайин меҳрибонсиз.

**Бола:**

Менга ёқар бойчечак,  
Даламга у беланчак.  
Кексалар кўзга суртар.  
Қирдан териб бойчечак.

**Бола:**

Тилагим шу: Богимдан,  
Баҳор фасли кетмасин.  
Борликнинг чирой, кўрки,  
Дилларни тарк этмасин.

**Қүёшбобо:** Раҳмат сизларга, менинг жажжи болажонларим. Сизларнинг байрамингизга ташриф бу юрганимдан шодман. Қишининг аёзли кунларида мени соғингансиз, энди сизлар билан бирга доим бўламан.

**Баҳорой:** Болажонлар, бугунгитадбирдагичиқишлиарингиз мени шод қилди. Мен сизлар тановул қилишингиз учун баҳор неъматларидан бўлган сумалак, ҳалим, кўк чучвара ва кўк сомсалардан келтирганман. Уларни тановул қилиб, байрамни тўкин дастурхон атрофида давом эттирасизлар...

(Мусиқа садолари остида Қүёшбобо, Баҳорой ва Бойчечак чиқиб кетишади. Болалар «Давра рақси» қўшигини куйлашади).

**Бошловчи:** Азиз меҳмонлар, шунинг билан бугунги, Наврӯз байрамига аталган тадбиримиз ўз ниҳоясига етди. Ҳеч қачон юзингизни табассум, қалбингизни меҳр-муҳаббат тарк этмасин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, хонадонларимизни файз-бара-ка тарк этмасин.

(Болалар «Наврӯз» қўшигини ижро этишади. Болалар шўх мусиқа садолари остида залдан қўл ушлашиб, меҳмонларга таъзим этиб чиқиб кетадилар).

## **КОРБОБО ТАШРИФ БУЮРДИ**

*(Мактабга тайёрлов гурухлари  
учун байрам эрталыги сценарийси)*

*Мусиқа зали байрамона безатилган. Болалар «Янги  
йил арчаси» (М.Абдушукрова шеъри, А.Берлин мусиқа-  
сиги) қўшиги садолари остида кириб келадилар ва арча  
атрофидаги давра қурадилар.*

### **Бошловчи:**

Бир олам орзу олиб,  
Кириб келар Янги йил.  
Қорбобо совға берса,  
Кувнаб кетар кўз-у дил.

Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар. Бугунги тан-  
танамизга хуш келибсиз. Мана, яна бир йилни ҳам  
ортда қолдириб, ёшимизга ёш қўшиб Янги йил эшик  
қоқмоқда. Ял-ял ёнган арча атрофида айланишиб,  
боғча опаларингиздан ўргангандан шеъру қўшиқларин-  
гизни ёдлашга тайёрмисиз? (Болалар бир овоздан «ҳа»  
деб жавоб қайтаришади). Ундай бўлса сизларни ҳам  
айём билан қутлаб, бугунги сехрли, ажойиб саргуза-  
штларга бой бўладиган байрам эрталигимизни очиқ  
деб эълон қиласиз.

### **Бола:**

Кутдик сени интизор,  
Янги йилжон, Янги йил.  
Йўлларингта пойандоз,  
Оппоқ қорлар, яхши бил.

**Бола:**

Кел, келақол даврага,  
Құл ушлашиб үйнаймиз.  
Биргалашыб хур замон,  
Бағрида шод үйнаймиз.

**Бола:**

Эски йиллар сабоғи,  
Бизга доим ҳамроҳдир.  
Келажакка йұлловчи,  
Йиллар йилдан порлоқдир.

**Бошловчи:** Баракалла, болажонлар. Богча опала-рингиздан ёд олган шеърларингизни ифодали қилиб айтиб бердингиз. (*Шу пайт бошловчи бирданига ҳайратланиб*) Ие, бу ниманинг овози бўлди? Ҳа, менимча, олмахон ёнғоқ чақаётган бўлса керак.

(*Бошловчи арча атрофига юзланиб, шошилганча ёнғоқ чақаётган олмахонга қарайди*).

**Бошловчи:** Салом, Олмахон. Арча тагида бунча ҳам шошиб шовқинли овоз чиқараётганингдан, ҳойнаҳой, ёнғоқ чақаётган бўлсанг керак деб ўйладим.

(*Олмахон бошловчининг гапига парво ҳам қилмай, ёнғоқ чақишида давом этаверади*).

**Бошловчи:** Сени қара-ю... Майли, гапирмасанг гапирма... Ўзинг биласан...

(*Оғзидан ёнғоқни олган Олмахон бошловчини кўриб серрайиб қолади*).

**Олмахон:** Бу нимаси, келганингизни билдириб кўйинг-да. Сал бўлмаса қутим учай деди-я.

**Бошловчи:** Вой, шу пайттacha мен ўзимга ўзим гапирганмидим. Ҳали сен менинг бирорта ҳам гапимни эшитмадингми? (*Кулимсираб*).

**Олмахон:** Шундай бўлса бўлгандир-да, хўш, нима қилибди?! (*Қўрслик билан жавоб қайтаради*).

**Бошловчи:** Ёнғоқларни шошиб-пишиб чақишингдан, қаёққадир бормоқчисан шекилли...

**Олмахон:** Ҳа, биз бугун Қүёнвойнинг уйида Янги йил баҳонасида зиёфат қилмоқчи эдик. Байрам дастурхонини безаш учун ҳаммамиз олиб келадиган нарсаларимизни бўлишиб олганмиз. Мен билан Сичқонвойга ёнғоқ олиб келиш юклатилган. Шунинг учун мен ундан аввал ёнғоқни байрам дастурхонига кўйиш учун шошиляпман.

(Олмахон бирдан шошиб, нимасинидир йўқотгандек тимирскиланади ва кичкина қўлчалари билан бошини ушлаб, мурзам тортиб қолади).

**Олмахон:** Э, бундай эмас-да энди. Ахир менинг шунча чаққан ёнғоғимни кимдир ўғирлаб кетибди.

(Боягина маҳмаданалик қилиб гап бермаётган Олмахоннинг бирдан қайфияти тушиб, хафа бўлганлиги юз-кўзидан кўриниб туради)

**Бошловчи:** Ташиб чекма, Олмахон. Хоҳласанг, қолган ёнғоқларингни чақишига болажонларимиз кўмаклашади.

**Олмахон:** Қандай бўларкин.

**Бошловчи:** Кел, унда бизнинг Янги йил шодиёномизга қўшил. Хоҳласанг, болажонларимиз томонидан ижро этиладиган ўзбек қўшиқни тинглашинг мумкин.

**Олмахон:** Мен ҳам болаларга жўр бўлсам майлими?

**Бошловчи:** Майли, кел, даврамизга қўшил.

(Болалар И.Акбаров томонидан басталанган «Байрам қўшиги»ни куйлашади. Қўшиқ тугаб бўлганидан кейин, ял-ял ёниб турган арча чироқлари ўчиб қолади).

**Бошловчи:** Вой, болажонлар, энди нима қиласиз? Байрамни қандай давом эттирамиз?

(Шу пайт атрофдан дўп-дўп этган қадам товушлари эшишилади. Даврага Айиқполвон кириб келади).

**Бошловчи:** Салом, Айиқполвон.

**Айиқполвон:** Салом, биз келдик!

**Бошловчи:** Айиқполвон, биз болажонлар билан биргалиқда байрам шодиёнасини уюштирмоқчи эдик, фақат арчамизнинг чироқлари ўз-ўзидан учиб қолди.

**Айиқполвон:** У ҳолда мен сизларга ёрдам беришм мумкин.

**Бошловчи:** Қандай қилиб?

**Айиқполвон:** Мен дўстларим билан сизларга ажойиб қўшиқ ижро этиб бераман. Зора арчанинг чироқлари ёнса.

**Бошловчи:** Майли, унда сизларга биз ҳам жўр бўламиз.

(Шундан сўнг Т.Тошматов томонидан бастиланган «Айиқполвонлар боғчаси» қўшиги ижро этилади).

**Бошловчи:** Баракалла, Айиқполвонлар. Бизни хушнуд этдингиз.

(Шу пайт қаёқдандир Тулкивой пайдо бўлади).

**Тулкивой:** Вой, нега арчанинг чироқлари ёнма япти. Ҳойнаҳой, бу манави тўполончи болаларнинг ишидир-а?!

**Бошловчи:** Бу нима деганинг. Ахир бу ақлли, зукко болалар бўлса. Улар бугунги байрамда ўзлари ёд олган шеър ва қўшиқларни айтиб беришмоқчи. Агар Қорбобо келса, болажонларимизга ўзининг атаган совгаларини беради.

**Тулкивой:** Совға дедингизми? Шу болаларга-я? Йўқ-йўқ, мен ҳам кўп шеърлар айтишни биламан. Ҳоҳласангиз айтиб бераман.

**Бошловчи:** Яхши, у ҳолда эшитамиз.

**Тулкивой:**

Вой, вой, вой,

Менинг исмим Тулкивой.

Қанчалар ақллиман,

Сезмадингиз ҳойнаҳой.

Хўш, мен ёд олган шеър сизга ёқдими? Ана энди сиз таърифлаган ақлли, зукко болаларни топиш-

моқлар билан синовдан ўтказаман. Борди-ю, улар то-пишмоқларни топа олишмаса, Қорбобо берадиган совгаларнинг барчаси меники бўлади. Энди диққат билан мени эшитинг:

Чимчилайди юзингни,  
Ёшлатади кўзингни.  
Игнасин саншиб олар,  
Бурнинг қизариб қолар.

(Болалардан бири «аёз» деб жавоб қайтаради).

Ойларнинг энг бошиман,  
Қишининг кўзу қошиман,  
Ёзаман оқ дастурхон,  
Янги йил менга меҳмон.

(Болалардан бири «январь ойи» деб жавоб қайтаради).

**Бошловчи:** Энди ишондингми, Тулковой? Болаларимиз топқир ва ақлли эканми?

**Тулковой:** Ҳа, ишондим.

**Бошловчи:** Болаларимиз нафақат топқир ва зуко, балки улар рақсга чиройли тушадилар.

(Шундан сўнг қизлар «Шарлар» қўшигига рақс тушади).

**Бошловчи:** Раҳмат, қизлар. Болажонлар, Қорбобо ва Қорқиз негадир ҳаяллаб қолишиди. Келинглар, ҳаммамиз биргаликда уларни чақирамиз.

**Болалар:** Қорбобо, Қорбобо, Қорқиз...

(Шундан сўнг Қорбобо ва Қорқиз совгалар билан кириб келиб, болалар ижро этаётган қўшикча жўр бўлишиади. F. Қодиров томонидан басталанган «Қорбобо» қўшигини болалар ва Қорбобо биргаликда ижро этадилар).

**Бошловчи:** Ассалому алайкум, бобожон ва қорқиз, даврамизга марҳабо. Сизларни кутавериб кўзимиз тўрт бўлди. Байрамни бошлаганимиз аллақачон эди. Фақат арчамиznинг чироқлари ўчиб қолганига болаларимизнинг кайфиятлари бир оз тушди. Уни сизсиз ҳеч ким ёқа олмаяпти.

**Қорбобо:** Салом болажонларим, янги йилингиз муборак бўлсин, арчангиз чироқларини ёқиб бераман.

(Корбобо арча атрофида 3 марта айланиб, ҳассасини арчага теккизади ва арча чироқлари ёна бошлайди).

**Бошловчи:** Раҳмат, бобожон! Арчамиз чироқлари ял-ял ёниб, даврамизга файз киритди. Энди навбатни болажонларимизга берсак-да, улар ўзлари ёд олган шеърларни бирма-бир айтиб беришса.

**Қорбобо:** Мен ҳам уларга атаган совғаларимни тақдим қиласман.

**Бола:**

Дўқиллатиб ҳассасин,

Қорбобо кириб келди.

Посон арча яшасин,

Ўйин тушамиз энди.

**Бола:**

Тоғлардан ошиб келган,

Боғлардан тошиб келган.

Денгиздек жўшиб келган,

Қўғирчоқ қўшиб келган.

**Бола:**

Халтасини очди-ю,

Ўйинчоқлар улашди.

Қуён билан Бўривой,

Енг шимариб курашди.

**Қорбобо:** Баракалла, болажонларим. Сизлар мени жуда хурсанд қилдингиз. Энди эса мен сизларга атаган совғаларимни бераман. Марҳамат.

(Болажонлар билан биргаликда рақс тушади ва уларга аталган совғалар тарқатилади. Шундан сўнг Қорбобо бир иилга хайрлашиб кетади).

**Бошловчи:** Шу билан байрамимиз ҳам ўз ниҳоясига етди. Янги йил барчамизнинг хонадонингизга файз-барака олиб келсин. Эзгу ниятларимиз ўз ижобатини топсин.

## **МАШҒУЛОТЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН МУСИҚАЛИ ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР**

---

### **«УЧТОВУШЛИКЛАР»**

**Мақсади:** Болаларни баланд ва паст нота товушлари билан танишириш, уларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш.

#### **Кўргазмали қуроллар:**

*Кўргазмали материаллар:* мусиқа асбоблари туширилган расмлар, ғилдиракли арава, турли хилдаги эртак қаҳрамонлари – бўри ва ёчки тасвирланган расм, мусиқали зина, рангли шарчалар ва қўнғироқчалар.

*Тарқатмали материаллар:* рангли картотекалар, расмлар, мусиқали зина ва рангли шарчалар, қўнғироқчалар.

#### **Ўйиннинг бориши:**

Мусиқа раҳбари:

– Турли-туман товушларни эшитасиз. Баргларнинг шитирлаши, ғилдиракларнинг гичирлаши, болаларнинг қийқириқларига шовқинли товушлар дейилади. Шовқинли товуш аниқ бир баландликка эга бўлмайди. Чолғу асбобларидан янграйдиган товушга мусиқий товушлар дейилади. Мусиқий товуш – аниқ баландликка эга бўлади. Ҳайвонлар иштироқида баланд ва паст товушларни фарқлаб оламиз.

Буни сиз биладиган эртак қаҳрамонлари – ёчки ва Бўридан фойдаланган ҳолда амалга оширамиз.

Үйин шартига кўра, сиз менинг «Қандай?» деган саволимга «Баланд, паст ёки ўртача» дея жавоб бериб, машғулотни бажаришингиз керак бўлади.

**Бўрининг овози қандай?**

Тарбияланувчиларга савол берилади. Бунинг на-  
тижасида улар йўғон, паст ёки ўртача товушларни  
фарқлашга ўрганадилар. Шу тариқа паст ва баланд  
товушларни фарқлаб, рақамли ва рангли шарчалар-  
нинг қаерда жойлашишини топган тарбияланув-  
чилар мусиқали зинанинг пастки поғонасига шар-  
чалардан бирини жойлаштиради. Жойлаштириб  
бўлган бола қўнғироқчасини чалади. Дарҳол машғу-  
лотни тўғри бажара олаётганини кузатган мусиқа  
раҳбари, навбатдаги эртак қаҳрамонининг расмини  
кўрсатиб, бир оз саволни ўзгартириб, эчки қандай  
овозда маърашини сўрайди).

**Эчки қандай овозда маърайди?**

Тарбияланувчилар зинанинг учинчи поғонасига  
ракамли-рангли шарларни жойлаштиради.

Шундан сўнг мусиқа раҳбари тартиб билан нав-  
батдаги расмни кўрсатади.

**Қушчанинг овози қандай?**

Тарбияланувчилар тўғри бажарганлигини текши-  
риб, учтовушлик куйланади. Ҳосил бўлган учтовуш-  
ликларни тарбияланувчилар билан биргаликда қўл  
харакати орқали бажарган зиначаларни кўрсатиб  
ДО-МИ-СОЛ товушлари куйланиб мустаҳкамлаб  
олинади.

Мусиқа раҳбарлари тарбияланувчилар имкония-  
тидан келиб чиқиб барча товушқаторлар иштироки-  
да ҳам машқлар бажариши мумкин.

## «ЖАЖЖИ ЕТТИ ҚУШЧАЛАР»

**Мақсади:** Болаларни нота товушлари билан таништириш, уларнинг ижодий қобилияtlарини шаклантириш.

**Кўргазмали қуроллар:**

*Кўргазмали материаллар:* дараҳт тасвиirlанган расм, қушчалар бош кийими – 7 дона, уйча шаклида кесилган тайёр рангли қоғозлар, маҳсус нота чизиги.

*Тарқатмали материаллар:* дараҳт тасвиirlанган расм – 7 дона, ҳар бир бола учун алоҳида тарзда тарқатма материаллари жамланмаси берилади.

**Ўйиннинг бориши:**

**Мусиқа раҳбари:**

– Мана, аёзли кунлар ортда қолиб, ўлкамизга баҳор келди. Узок-узоқ ўлкаларга учиб кетган қушчалар яна Ватанимизга қайтдилар. Бойчечаклар очилиб, замин бағридан майсалар бош кўтарди. Қалбирғоч қўйган тухумлардан полапонлар чиқди. Аста-секин улар ҳам бошқа қушчалар сингари учишни ўрганмоқдалар. У шоҳдан бу шохга қўниб қўшиқлар айти бошлидилар.

Мусиқа раҳбари болалардан бирига она қушча тасвиридаги кийимни, яна бирига эса полапоннинг кийимини кийдириб, кўлларига қуш тасвири туширилган расмни беради.

Болалар қуйидаги тўртликни хиргойи қиласидилар

*Жажжигина қушчамиз,  
Куйлашни ҳам биламиз.  
Шоҳдан шохга қўниб биз  
Қанот қоқиб учамиз.*

Полапон кўринишида кийиниб олган жажжи қушчалар қўшиқ қуйлашади. Расмларни «жажжи РЕ» ёки

«жажжи СИ» деб номлаган ҳолда бўйи етганча дарахт атрофида ўйнаб юришади.

Учолмасман сен томон,  
Кўшиқ куйлайман ҳар он.

Шундан сўнг она қуш ўзининг қўшиғини хиргойи қиласди. У ҳар томон учади-да, атрофига болажонларини чорлайди.

Онангиз хавотирда:  
Бўлингиз сиз ёнида!  
Келмасангиз ҳозироқ,  
Афсусланасиз бироқ!

Күшчалар ҳар томонда сайраб гўёки онасининг гапини эшитмаётгандай, парво қилмай ўйнаб юраверишади. Болалардан она қуш кўмак сўрайди. Шунда мусиқа раҳбари кўмаги билан қўшиқ ижро этиб чорлашади.

Күшчалар ҳар томондан овоз чиқара бошлийдилар. Бирин-кетин онасининг ёнига учиб келади. Шунда қүшчалар ўзларининг исмини айта бошлийдилар. Кетма-кетлиқда айтилган исмлар қўйидаги тартибда жаранг сочади: «Мен жажжи ДО», «Менинг исмим жажжи РЕ», «Мен бўламан жажжи МИ», «Жажжи ФА дерлар мени», «Мен жажжи СОЛман», «Жажжи ЛЯдир исмим менинг», «Жажжи СИ деб атарлар мени» дея ўзларига таъриф бериб ўтишади.

Мусиқа раҳбари кичик саҳна кўринишидан сўнг тарбияланувчиларга стол атрофига тайёрлаган кўргазмалар олдига чорлаб, машғулотни мустаҳкамлаб олиш мақсадида рангли уйча шаклидаги рангли қоғозларни нота чизиқларига кетма-кет тартиб билан жойлаштириб чиқади.

## **«КИМ КУЙЛАЯПТИ?»**

**Мақсади:** Товушларни регистридан ажрата олиш қобилиятыни ривожлантириш, товуш характерини ранглар уйғунлиги орқали күрсата олиш.

**Күргазмали қуроллар:**

**Күргазмали материаллар:** ота-она, ўғил расми туширилган рангли картотекалар.

**Тарқатмали материаллар:** ота-она, ўғил расмлари.

**Үйиннинг бориши:**

**Мусиқа раҳбари:**

– Болалар бутун мен сизга мусиқачилар оиласи ҳақидағи ҳикояни айтиб бераман. (Ҳикоя қилина түриб, қаҳрамонлар расмлари күрсатиб борилади). Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир оиласда ота-она, ўғил яшар экан. Улар мусиқага жуда қизиқар, турли ажойиб қувноқ қўшиқларни турли товушларда куйлашар экан. Ота паст овозда, она ўртacha мунгли овозда куйласа, ўғли эса ингичка жарангдор юқори овозларда куйларкан.

Келинг, энди сизлар билан бирга улар ижросида қўшиқлардан баҳраманд бўламиз (мусиқа раҳбари З хил регистрдаги хонандалар ижросидаги товуш ёки қўшиқларни қўйиб эшилтиради). Ота паст, йўғон овозда қўшиқ куйласа, она эса «Алла»ни ўртacha мунгли овозда куйлади. Ўғли эса жарангдор овози билан қўшиқ куйлаётганидан парчалар қўйиб эшилтирилади.

(Мусиқа раҳбари тинглаши учун ихтиёрий қўшиқлар танлаши мумкин).

**Мусиқа раҳбари:**

– Болажонлар, сизга ҳикоя ёқдими?

**Болалар:**

– Ҳа.

**Мусиқа раҳбари:**

– Баракалла. Энди мен сизларга берган расмларга қараб, бу оила вакилларидан қай бири ижро этаёт-

ганини топасиз. Сиз тұғри деб билган жавобни ёнингизда турған рангли расмлар орқали амалга оширасиз.  
(Болаларни бир оз chalгитиб, құшиқтар кетма-кетликда құйилмай, аксинча, алмаштирилиб, эшилтирилиб борилади. Шундан сұнг мусиқа раҳбари болалар жавобини текшириб, нима учун бундай жавоб берганини сұраб мустаҳкамлаб олинади).

## «МУСИҚАЛИ ГУЛЛАР»

**Мақсади:** Товушларни регистридан ажрата олиш қобилиятыни ривожлантириш, товуш харakterини ранглар уйғуның гауда күрсата олиш.

### Күргазмали қуроллар:

*Күргазмали материаллар:* уч хил (майин, құвнок, ёки охиста) кайфиятдаги гуллар расми туширилған рангли карточкалар ва шунга мос күй ноталари ёки MP3 форматидаги күйлар жамланмаси.

*Тарқатмали материаллар:* гулларда түрли хилдаги кайфият құринишлари акс эттан расмли карточкалар.

### Үйиннинг бориши:

Мусиқа раҳбари уч хил расмдаги кайфиятларни акс эттирган күйларни ижро этиб беради. Тарбияланувчи эса гуллари үша күй кайфиятини акс эттирувчи расмни танлайды. Тарбияланувчи күйни эшиттеген зақотиёқ күйни номма-ном айтиб бериши ҳам мумкин. Агар бола мазкур күйни яхши билса, үйин яна давом этаверади.

## «ҚҰВНОҚ ПОЕЗДЛАР»

**Мақсади:** Мусиқий товушлар орқали суратни ажрата олиш қобилиятыни үстириш.

### Күргазмали қуроллар: үйинчоқ поезд, диск.

### Үйиннинг бориши:

Мусиқа раҳбари түрли хилдаги күйларни ижро этиб беради. Бунда секин-аста, майин, тез, жуда тез,

ўртача каби суръатларда яратилган куйлар жаранг сочганда поездлар ҳаракатланади. Мусиқа раҳбари поездни куйлар жўрлигида секин, ўртача тез, жуда тез ҳаракатлантиради. Поезд барча ҳаракатларни ба-жариб бўлгач тўхтайди. Шундан сўнг тарбияланувчи поездни мусиқа раҳбари ижро этган куйга мослаб ҳаракатлантиради. Куйнинг темпи ўзгарган сари по-езд ҳаракатланиши ҳам ўзгара боради. Ўйин шу та-риқа давом этади.

### «ЗУМРАД ВА ҚИММАТ»

**Мақсади:** Мусиқий товушлар орқали суратни ажрата олиш қобилиятини ўстириш.

**Кўргазмали қуроллар:** турли хилдаги эртак қаҳрамонлари расми туширилган картотекалар ва ўйинчоқ, диск.

#### ЎЙИННИНГ БОРИШИ:

Мусиқа раҳбари мусиқа садолари остида эртак қаҳрамонлари Зумрад ва Қимматни даврага таклиф этади. Мусиқа хонасига улар оқ ва қора сандиқчала-ри билан ташриф буюришади.

Бунда Зумрад қутичадан расм кўрсатади, болалар расмга мос қўшиқларни мусиқа раҳбари кўмагида куйлашади. Қўшиқлар мусиқа раҳбари томонидан ўргатилган бўлиши лозим. Шундан сўнг Қиммат қу-тичадан навбатдаги расмни кўрсатиб, болалар билан мазкур расмга мутаносиб куйлади. Мусиқа раҳбари Зумрадга қувноқ оҳанглардаги қўшиқларни танлаб ижро эттирса, Қимматга эса аксинча, майин темпда-ги қўшиқларни куйлатади.

## **«СОАТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙЛАБ»**

**Мақсад:** Болаларнинг юқори ва паст тембрдаги товушларни илғаб олиш қобилиятини ривожлантириш.

**Кўргазмали қуроллар:**

*Кўргазмали материаллар:* фортециано, шиқилдоқча, дастрўмолча ёки мусиқа раҳбари имкониятига қараб бошқа кўргазмали қуроллардан ҳам фойдаланиши мумкин.

**Ўйиннинг бориши:**

Мусиқа раҳбари тарбияланувчиларни мусиқа хонасига айланана шаклида, соат йўналишида ўтиргизади. Кейин тарбияланувчилардан биттасини танлаб олиб, доира ўртасига тургизиб қўяди. Мусиқа раҳбари юқори регистрга мос куй ижро этади. Тарбияланувчи кўлидаги дастрўмолча ёки шиқилдоқчани тўғри ушлаган ҳолда соат йўналиши бўйлаб ўнг томонга қараб мусиқа садолари остида айланана бошлайди. Мусиқа раҳбари куйни пастки регистрда ижро эта бошлиши билан тарбияланувчи соат йўналиши бўйлаб чап томонга қараб айланади. Ўйин якунида «Соат» қўшиғи куйланади

## **«ТИНГЛА, ЎЙЛА, ЧИЗ!»**

**Мақсади:** Тарбияланувчиларда товушларни тинглаш орқали куй характеристини аниқлаш қобилиятини ривожлантириш.

**Кўргазмали қуроллар:** фламастер ёки рангли қалам, оқ, қофоз.

**Ўйиннинг бориши:**

Мусиқа раҳбари тарбияланувчиларни икки гурухга ажратиб олади. Бунда биринчи гуруҳдаги тарбияланувчилар бирор бир куйга мос рақс тушса, иккинчи гуруҳдаги тарбияланувчилар куйни тиннади.

глаб, у қандай характерда эканлигини ва бу қүшиқни эшитиб унда қандай кайфият акс этаётганини расмлар орқали тасвирлаб беради. Шундан сўнг мусиқа раҳбари куй тугагач, тарбияланувчилар ўринини алмаштиради. Мусиқа раҳбари иккинчи гуруҳ тарбияланувчиларига куйни ўзгартириб қўйиб эшиттиради, улар эса куй асосида рақс тушади. Биринчи гуруҳ тарбияланувчилари эса шу куй асосида расм чизишни бошлайди.

## «ҚҰЛЛАР ТЕПАДА»

**Мақсади:** Тарбияланувчилар қўл ҳаракатлари тезлигини куй билан ҳамоҳанг бўлишига эришиш.

**Кўргазмали қуроллар:** ҳар бир бола қўлида мусиқа асблоблари.

**Ўйиннинг бориши:**

Мусиқа раҳбари фортепиано ёки тайёр МРЗ форматида ёзилган диск ёрдамида куй қўйиб эшиттиради. Тарбияланувчилар мусиқа садолари остида куйга мос ҳаракатларни бажаришади. Шундан сўнг мусиқа раҳбари куйни пасайтириб, бирданига ўчириб қўяди. Мазкур куйдан сўнг залда жимлик сақланиб, павузада тарбияланувчилар мусиқа асблобарини тепага қўтаришади. Бунда мусиқа раҳбари эпчиллик билан навбатдаги куй ёки қўшиқни тайёрлаб қўяди. Мусиқа раҳбари тарбияланувчиларга навбатдаги куйни қўйиб эшиттиради, тарбияланувчилар мусиқа асбоби ёрдамида куйни чалишни давом эттиради. Мусиқа раҳбари куйни ўчириб қўйгандан сўнг уларнинг ҳаракатларига изоҳ бериб ўтади.

## **МУНДАРИЖА**

### **Байрам эрталикларида фойдаланиш учун сценарийлар**

Онажоним, бор бўлинг.....	4
Янги йил арчаси .....	10
Ҳосилни йигиб-теринг.....	17
Менинг ойим меҳрибон .....	27
Лола сайли.....	31
Олтин ўлкам .....	37
Салом сенга, олтин куз .....	42
Офтобимсиз, онажоним.....	53
Наврӯзим – шўх созим.....	58
Қорбобо ташриф буюрди.....	64

### **Машғулотларда фойдаланиш учун мусиқали дидақтик ўйинлар**

«Учтовушликлар» .....	70
«Жажжи етти қушчалар».....	72
«Ким куйлаяпти?» .....	74
«Мусиқали гуллар».....	75
«Қувноқ поездлар» .....	75
«Зумрад ва Қиммат» .....	76
«Соат йўналиши бўйлаб» .....	77
«Тингла, ўила, чиз!» .....	77
«Қўллар тепада» .....	78

Ўқув-услубий нашр

УЛУҒБЕК МИРЗАҲМЕДОВ

ЎЙНАЙМИЗ ВА ҚУВНАЙМИЗ

*Сценарийлар ва  
дидактик ўйинлар*

Муҳаррир  
Салима БАДАЛБОЕВА

Бадиий муҳаррир  
Суннат МУСАМЕДОВ

Саҳифаловчи  
Хусанбой ЭРГАШЕВ

Техник муҳаррир  
Шерзод КУШАКОВ

Лицензия рақами: АI № 182. 08.12.2010 да берилган.

Босишига 19.02.2018 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоғи 2,5. Шартли босма табоғи 4,2.

Гарнитура «Palatino». Офсет қозози.

Адади 5 000 нұсха.

Баҳоси келишилған нархда.

«Yoshlar nigohi» хусусий корхонасида тайёрланди.

Нашриёт манзили:  
Тошкент, Ўқчи күчаси, 109-үй.

«ADAD PLYUS» МЧЖ да босмахонасида чоп этилди.

Манзил: 100097, Тошкент, Бунёдкор кўчаси, 28-үй.



## Улугбек МИРЗАҲМЕДОВ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида туғилган. Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаган. Бир қатор кўриктанловлар ғолиби. Кўплаб марказий матбуот нашрларида доимий равишда унинг мақолалари ва машгулом ишланмалари эълон қилиб борилади. 2017 йилда муаллифнинг «Келинг, бирга куйлаймиз» номли ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди.

ISBN 978-9943-49-90-8-9



9 789943 499089